

ISSN 2181-9521

№ 12-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚИМИЗ СИЁСИЙ-АСРИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ривожланган демократик мамлакатлар қаторидан жой олаётган ЎЗБЕКИСТОН тараққиётига ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Конституциямиз қабул қилинганига 29 йил тўлди. Халқимиз бу улуғ байрамни катта шуқуҳ ва шодиёналар билан нишонлади. Давлатимиз раҳбари байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига табрик ўллади. Қўйида Президентимиз табригидан баъзи бир иқтибосларни ўқийсиз.



Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолиб, шу йўлда кенг кўламли улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўплادик.


Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шугулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.



ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУРИ МАҲСУЛИ, НИНГ БЕҚИЁС ТИМСОЛИДИР”

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, худди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри кўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асоссиз равишда суддан чақириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.



Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасидир.



Мана шу улуғ айёмда халқимизнинг дилидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Янги Ўзбекистон зояси эл-юртимизнинг улкан интилиши ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуғ мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, кўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Саҳифаларни Беруний туманлараро иқтисодий судининг судьяси Байрамбек БЕКМУРАТОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 20.12.2021 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 1390
Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА**6**

КУН МАВЗУСИ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

9**КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ****10**

ЖАРАЁН

ҚУЛЛИК – ЎЗ ЗАНЖИРИНИ СЕВИШНИ БОШЛАШ ДЕМАК

МУЛОҲАЗА

14**ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИДА (LAWASIA) СУД МУАССАСАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ****17**

МУНОСАБАТ

СУДЬЯЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

18**ИШГА ТИКЛАШ ИНСТИТУТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ****20**

ЯНГИ БОСҚИЧ

ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

22**ЮҚОРИ ТУРУВЧИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

25

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЖИНОЯТНИ ОЧИШГА
МАСЪУЛ МАНСАБДОР ШАХСЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

30

ҚУРИЛИШДА УЛУШБАЙ
ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТНОМАСИ:
У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

34

ИНСОН ВА ҚОНУН

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН
БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ВА
УЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

36

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТИ НИМАЛАРДА
НАМОЁН БЎЛАДИ?

38

СУД АМАЛИЁТИ

СУД ХАРАЖАТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ҚАНДАЙ?

ҚАДРИЯТЛАРГА ҚАЙТИБ

39

КЕЛИШУВ БИТИМИ

40

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

ИНСОН ҚАДРИ

42

АРИЗАЧИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ
СУД ЙЎЛИ БИЛАН ТИКЛАНДИ

ПРОЦЕСС

44

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ
ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОН-
НЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В УГОЛОВНОМ
СУДОПРОИЗВОДСТВЕ:
ТАКТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ПРОИЗВОДСТВА ДОПРОСА
В РЕЖИМЕ
ВИДЕОКОНФЕРЕНЦСВЯЗИ

49

ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

ОСНОВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ПРАВОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ
В СФЕРЕ СТРАХОВАНИЯ
ИНВЕСТИЦИОННОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПЕРИОД
ЦИФРОВИЗАЦИИ

ВАЖНАЯ ТЕМА

52

ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ
ЭЛЕКТРОННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ
В ЭКОНОМИЧЕСКОМ
СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

55

СУДЕБНО-ПРАВОВАЯ РЕФОРМА

ОСОБЕННОСТИ
КАССАЦИОННОГО
ОБЖАЛОВАНИЯ
В АДМИНИСТРАТИВНОМ
СУДОПРОИЗВОДСТВЕ

ANALYSIS

58

SIGNS OF UNFAIR COMPETITION

63

ИБРАТ

КАРНИНГ БЕМОРНИ ЗИЁРАТИ



Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов
комиссияси котиби,
юримдик фанлар док-
тори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган, Ҳаракатлар стратегиясининг мантқиқий давоми бўлган, етти йўналишдан иборат Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти замирида ҳам, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини ва адолатли бошқарув тизимини вужудга келтириш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш каби инсонпарвар мақсадлар муҳасам.

Бу каби инсонпарвар мақсадлар асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил қилади. Хусусан, мамлакатда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши Асосий қонунимизда мустаҳкамланган.

Инсон ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезон. Шунинг учун ҳам, халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимда инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилади. Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига

оид қонунчилик тизимини яратган бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлардан таркиб топган.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий оламининг энг юқори даражадаги кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири — юртимизда демократик ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини, шу жумладан конституциявий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратишдан иборат.

XIII асрда яшаб, ижод этган машҳур шоир, адиб ва мутафаккир Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ўзининг Гулистон асарига – “Дунё халқлари ирқи, дини, маслаги ва дунёқарашларидан қатъи назар, бир вужуддирлар, уларнинг бирига озор берсангиз, иккинчиси оғриниб-безовта бўлғувсидир”- деб ёзганлар. Ушбу буюк ҳикмат, аслида Жалолиддин Румийнинг шеърятидан олинган бўлиб, бу сўзлар бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган бош қароргоҳи пештоқиға битилган, ўнлаб давлатларнинг Конституцияларига муҳр-



лаб қўйилган ва инсоният бирдамлиги ва тенглиги учун хизмат қилмоқда.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари рўйхати ва мазмуни 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий дахлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликка бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунинг учун ҳам, ҳозирги замоннинг маънавий қадриятлари орасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари конституцияларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган самарали ислохотларга ҳамоҳанг тарзда миллий сайлов тизими ҳам мамлакатимизда тарихан шаклланган ва сўнгги йилларда юксак даражага кўтарилган миллий қадриятларимизга, бой давлатчилик тажрибамизга, халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган сайловга оид демократик тамойилларга ҳамда ривожланган демократик-ҳуқуқий давлатларнинг миллий манфаатларимизга мос келувчи, адолатли сайловларни ўтказиш борасидаги кўп йиллик тажрибасига монанд такомиллашиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари — бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзига жамлаган кенг қамровли тушунча бўлса, фуқаронинг сиёсий ҳуқуқлари унинг ажралмас қисмидир. Сиёсий ҳуқуқларни таъминлаш эса, энг аввало очиқ ва ошкора ташкил этиладиган сайловларда намоён бўлади. Аслида, сайловлар демократик қадрият бўлиб, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун кенг сиёсий майдон яратади.

Шу боисдан ҳам, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан унинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мустақиллиги-



миз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислох қилишнинг асосий йўналиши ва мақсадига айланиб улгурган. Сайлов тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини мустаҳкамлашга сайлов қонунчилигида эътибор берилмоқда. Фикримиз исботи сифатида қуйидаги мисолларга бир назар ташласак.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Иккинчидан, Асосий Қомусимизнинг 117-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоширодасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Учинчидан, Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республика-



публикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир, деб белгилаб қўйилган. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга экани кўрсатилган.

Бешинчидан, Сайлов кодексининг 7-моддасига мувофиқ, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Олтинчидан, Сайлов кодексининг 8-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қан-

дай ўтаётганлигини ёритиб боради. Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки Сайлов кодексига белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Еттинчидан, Сайлов кодексининг 8-моддасига асосан, Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда амалга оширилади. Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради.

Шу каби халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва қадриятларига зид бўлмаган меъёрларнинг миллий қонунчилигимизда акс этганлигини кўплаб мисоллар орқали кўрсатиб ўтиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган асосий қоидаларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилган.

Эътиборлиси, юртимизда шу асосда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилган ва бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилган. Ўзбекистон декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиб, инсон ҳуқуқи соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғли асраб-авайланиши, ривожланиши ва келажак авлодларга етказилишига бевосита боғлиқ. Бу борада Конституция-мизнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини чуқур англаб етишимиз ҳамда конституциявий қоидаларга қатъий риоя этишимиз ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз бўлмоғи лозим.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ва давлатнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда илк бор инсон ҳуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустақкамлаб қўйилган.

Шу тариқа инсон ҳуқуқларининг янги концепцияси ўзбек конституциявий қонунчилигида ўз юридик тасдиғини топган бўлиб, улар Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми сифатида муайян тамойилларга таянади. Ушбу тамойиллар универсал хусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради:

биринчидан, **инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари тенглик ҳамда тенг ҳуқуқлилиқ асосида амалга оширилади.** Бу тамойил Конституцияда қуйидагича таърифланган: барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

иккинчидан, **конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги тамойили.** Жумладан, Асосий қонунимизнинг 2-моддасида ёзилишича, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар;

учинчидан, **муҳим тамойиллардан бири, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишига йўл қўйилмаслиги.** Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган унинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан тан олинишидан келиб чиқади. Давлат фуқароларнинг конституциявий ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-модда). Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат жамият ҳамда давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан, аҳолининг сиҳат-саломатлиги, халқнинг ахлоқи ва маънавияти, ижтимоий тартибот манфаатлари нуқтаи назаридангина қонунда белгиланган даражада чекланиши мумкин. Аммо, фуқароларнинг яшаш, шахсий кадр-қимматини муҳофаза этиш, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, виждон эркинлиги ва эътиқод эркинлиги каби ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас;

тўртинчидан, **фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги тамойили.** Шахс нафақат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси балки, мажбуриятлар соҳиби ҳам ҳисобланади. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланиб қолмасдан жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятларни ҳам ўтайди.

Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Мамлакатимизда Асосий қонунимизга таянган ҳолда Олий Мажлис томонидан бир қанча қонунлар қабул қилинди. Ана шу қонунларнинг мазмун ва моҳиятига кўра инсон давлат механизмнинг фаол иштирокчиси, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституциянинг 13-моддасида инсон қадри қуйидагича ўз ифодасини топган: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”. 19-моддада эса фуқароларнинг қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги таъкидланган. Конституция-мизнинг 80-моддаси 10-банди ҳамда 93-моддаси 23-бандига мувофиқ анъанавий тарзда қабул қилинаётган амнистия актлари ҳам мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган демократик ислохотлар амалга ошириладиганлигининг ёрқин далилидир.

Конституция-мизнинг 25-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”, – дейилган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт инсонга Аллоҳ таоло томонидан бахшида этилган энг буюк неъмат. Ундан маҳрум этиш эса инсонпарварликка зид. Жинорий жазони либераллаштириш борасидаги муҳим ютуқларимиздан бири мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинди. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминловчи умумэътироф этилган халқаро тамойиллар ва меъёрлардан келиб чиққан.

Хуллас, жамиятимиз ҳаётининг қайси жабҳасини олмайлик, Конституция-миз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз Конституциясининг асосий моҳиятини ташкил этади.

Ирода КУРБАНОВА,

Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси,

Сугдиёна САМАТОВА,

Тошкент давлат юридик университети талабаси.



**Бекзод
МЎМИНОВ,**
юридик фанлар
доктори

ҚУЛЛИК – ЎЗ ЗАНЖИРИНИ СЕВИШНИ БОШЛАШ ДЕМАК

Замонавий қуллик деб таърифланадиган одам савдоси миллионлаб кишиларнинг озодлик ва танлов ҳуқуқидан маҳрум қилинишига, таҳқирлаш орқали жинсий ёки меҳнат эксплуатациясидан тортиб жиноятчиликкача мажбурлашга олиб келади. Бироқ камдан-кам ҳолларда жабрланувчилар ёрдам оладилар ва ҳимоя қилинади; кўпинча улар ҳибсга олинадилар ва ноқонуний меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик, ёлгон кўрсатма берганлари ҳамда иммиграция билан боғлиқ қонунбузарликлар учун жавобгарликка тортиладилар.



**Аброр
ҚУДРАТОВ,**
Нурафшон
туманлараро
маъмурий суди
судьяси

Одам савдосига қарши курашда икки хил ёндашувни ажратиш мумкин. Кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилигида, шу жумладан халқаро ҳуқуқда ҳам одам савдосига қарши курашда репрессив ёндашув устувор ҳисобланган бўлса сўнгги йилларда жиноят натижасида бузилган ҳуқуқни тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ҳар икки ёндашув бир-бирини инкор этмайди, бироқ улардан қайси бирининг устуворлиги одам савдосига қарши кураш стратегияси ва институционал тизимни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Аввал глобллашув натижасида миграция, айниқса унинг ноқонуний шакллариға қарши курашиш мақсадида жазоловчи иммиграцион

сиёсатга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, бугунги кунда қурбоннинг гендер ва ёш жиҳатларини инобатга олувчи, ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ёндашув доираси кенгаймоқда. Яъни, жиноят қурбонининг ҳуқуқларини тиклаш жараёни амалда суд ҳукми чиққандан сўнг бошланишининг самараси камлиги эътироф этилмоқда.

Айнан иккинчи ёндашувни ифодалаган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси билан боғлиқ қисмида, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга барҳам бериш ҳақида Палермо протоколида одам савдосини жазоланадиган қилмиш деб топиш иштирокчи давлатларнинг мажбурияти эканлиги аниқ ифодаланган бўлса-да, жиноят қурбонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга етарли эътибор қаратилмаган. Масалан, Протоколнинг 6-моддасида зарур ҳолларда ва миллий қонунчиликка мувофиқ ҳар бир иштирокчи давлат одам савдоси қурбонининг шахсий ҳаёти ва шахсини иш юритиш конфиденциаллигини таъминлаш орқали ҳимоя қилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Протоколда ҳар бир давлат одам савдоси жинояти қурбонининг жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириши, 7-моддасида қатнашчи давлатлар одам савдоси қурбонларига зарур ҳолларда унинг худудида доимий ёки вақтинча асосда қолишга имкон берувчи қонунчилик ва бошқа зарур чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиши кўзда тутилган. Натижада мазкур халқаро шартнома кучга кирган вақтда одам савдоси жинояти дунё давлатларининг тахминан ярмида жазога мустаҳиқ қилмиш саналган бўлса, 10 йил ичида мазкур давлатлар сони 90 фоизга етди.

*– Бошқаларни тинглаш-
ни ўрганинг, суҳбатдо-
шингизнинг гапириш эр-
кинлигини чекламанг.*

* * *

*– Камтар бўлинг. Чунки
камтарлик севимли бў-
лишининг энг таъсирли
йўлидир.*

**“ҲАДИС ВА ҲАЁТ”
китобидан**



Шундай бўлса-да кўпгина давлатларда жиноят қурбонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус қонунлар шу жумладан қонунчиликда “Одам савдоси жинояти қурбони” тушунчасининг ўзи ҳам йўқ.

Одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноятлардан азият чекканлар ҳимояси учун жиноят иши кўзғатилиши ва жабрланувчи деб топилишига етарли асослар мавжуд бўлиши керак. Мазкур масала фақатгина назарий муаммо эмас. Амалиётда эса одам савдоси қурбонининг аксарият ҳолларда транзит ёки эксплуатация қилинган давлатда қонуний қолиш ҳуқуқи йўқ, қонунчиликдаги бўшлиқлар уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш имконини бермаслиги билан боғлиқ. Натижада амалда бошқа давлат ҳудудида ноқонуний бўлиб турган қурбонларни муҳожирилик қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик ва ватанига жўнатиб юбориш кутади. Бу эса нафақат шахснинг жиноят қурбони деб топилишга бўлган ҳуқуқини бузади, аксинча жиноятни фош қилиш, айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишни қийинлаштиради.

Одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий қоидаларнинг киритилмаганлиги сабабли Палермо келишувининг одам савдосига қарши кураш бўйича механизмлари кучли, қурбонларни ҳимоя қилиш бўйича заиф деб эътироф этилган. Албатта халқаро жиноят ҳуқуқи биринчи навбатда трансмиллий жиноятларга қарши курашишга қаратилган. Бироқ, вақт ўтиши билан мазкур ёндашувни ўзгартириш ёки тўлдиришга эҳтиёж туғилади.

Шу сабабли Европа Кенгаши 2005 йилда қабул қилган Одам савдосига қарши Конвенциясининг 26-моддаси давлатларга жазоламаслик имкониятини яратиш бўйича аниқ мажбурият юклайди. Конвенция билан бирга қабул қилинган Тушунтириш ҳисоботининг 274-бандида давлатлар жабрланувчилар одам савдосига дучор бўлган даврларда ёки уларга бевосита боғлиқ бўлган пайтларда жиноят содир этган бўлсалар жазодан озод этилишини таъминлашга мажбурдирлар, деб шарҳланган. Давлатлар жазоламаслик талабини ўзларининг миллий ҳуқуқий тизимларига асосан татбиқ этиш юзасидангина маълум даражада ихтиёрга эга. Бундан ташқари, жазоламаслик қондаси одам савдоси жабрланувчиларини нафақат жазо тайинлашдан, балки жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоқда ушлашдан озод этиш мажбуриятини ҳам ўз ичига олади, деб ҳисоблайди.

2011 йилда Европа Иттифоқининг одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ҳақидаги директиваси қабул қилиниб, жазоламаслик мажбуриятини тан олишга ин-



тилиш кучайди (Directive 2011/36/EU). Ундаги ёндашув Европа Кенгашининг конвенциясидан бир мунча кенгроқ бўлиб унда жиноий жавобгарликка тортмаслик мажбурияти аниқ белгиланган.

Жазоламаслик шарти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ)нинг Одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш ҳақидаги намунавий қонуни 5-моддасининг 3-бандида “одам савдоси жабрланувчилари шундай ҳолатларида содир этишга мажбур этилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликдан озод этилишлари керак” деб таъкидланади.

Қурбонларнинг ҳуқуқий ҳимояси БМТнинг 1985 йилдаги 40/34-сон Резолюцияси билан қабул қилинган “Жиноят қурбонлари учун ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишга қарши одил судловнинг асосий тамойиллари тўғрисида” Декларация, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган 2002 йилги “Инсон ҳуқуқлари ва одам савдоси тўғрисидаги масалалар бўйича тавсия этиладиган тамойиллар ва тавсия этиладиган қоидалар”да аниқроқ ифода этилган бўлса-да, улар тавсиявий характерга эга бўлганлиги сабабли етарли даражада самарадор эмаслигини таъкидлаш ўринли.

Кўпгина давлатларнинг одам савдоси қурбонларига мамлакатда қолишларига рухсат беришни қонунчиликда мустаҳкамлашдан воз кечишига сабаб сифатида ноқонуний мигрантларнинг мамлакатда бўлишларини қонунлаштириш мақсадида фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга суиистеъмол қилиш хавфи қурбонларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини белгилашга тўсқинлик қилмаслиги зарур. Европа Кенгашининг одам савдосига қарши кураш бўйича 2005 йилдаги Конвенциясида қурбонларни ноқонуний ҳаракатлари учун, агар бу ҳаракатлар одам савдоси билан боғлиқ мажбурлашнинг ёки қурбоннинг ёши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлса жавобгарликка тортмаслик тамойили, жиноят

ишлари бўйича одил судловнинг процессуал ва компенсация кафолатларида аниқ ифодаланган. Шу билан бирга Конвенция одам савдоси қурбонини халқаро гуманитар ҳуқуққа мувофиқ, қочоқ сифатида тан олиш мумкинлигини истисно этмайди.

Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар, меҳнат миграциясининг ярим-яширин ҳолатдалиги, мигрантларнинг ҳуқуқи бузилишининг илк босқичларида аниқлаш механизми мавжуд эмаслиги сабабли мазкур фаолият одам савдосига қарши кураш эксплуатация фактини аниқлаш билан чегараланиб қолган.

Бундан ташқари қурбонни идентификация қилиш босқичи ҳам мураккаб бўлиб, у жабрланганлиги ҳақида ариза ёзиши, кўрсатувлар бериши талаб қилинади. Натижада уларнинг мазкур мамлакатда қонуний яшаши ва ҳуқуқий ҳимояга имконияти жиноятнинг таснифланиши, жиноят иши кўзғатилиши, тергов қилиниши, баъзида тергов билан ҳамкорлик қилиш натижаси, айбдорларнинг қамоққа олиниши ва уларга нисбатан айблов ҳукми чиқарилишига боғлиқ бўлиб қолади. Албатта бундай моделни ҳуқуқни тикловчи ва самарали деб бўлмайди. Муҳожирлик ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлганлиги сабабли қабул қилувчи давлатларда миграция қонунчилиги кучайгани сари муҳожирларнинг одам савдоси қурбони бўлиш хавфи пропорционал равишда ортиб боради.

Жабрланувчиларни жазоламаслик тамойили жабрланувчи мақоми билан боғлиқ жиноятлардан тўлиқ иммунитет бермаса-да, бироқ қурбон жиноятчиларнинг назорати остида бўлганлиги сабабли ўз иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқидан маҳрумлигини тан олиш имконини беради. Кўпгина ҳолларда жиноятчилар қурбонларини доимий назорат остида ушлаб туриш мақсадида атайлаб жиноий жазоланадиган қилмишлар содир этишга мажбур қилишади.

Баъзи вазиятларда жиноят содир этилишида жабрланувчининг ўзини айблаш ва қоралаш ҳолатлари кўзга ташланади. Ўз юртига жўнатиб юборилганда муҳожирликда фоҳишаликка ёки бошқа ноқонуний фаолиятга жалб қилинганлиги сабабли уни ватанида камситиш ва ҳўрлаш кутиши, натижада у яна қашшоқ аҳволга тушиб, такроран, иложсизликдан одам савдоси қурбонига айланиши мумкин.

Хорижда мажбурий фоҳишаликка жалб қилинган кўпгина аёллар оиласи шаъни, жиноят қурбони мақоми у ёки опа-сингилларининг оила қуришига тўсқинлик қилиши мумкинлиги сабабли мазкур мақомдан ихтиёрий воз кечиши мумкин.

Кўпгина қурбонларнинг одам савдогарлари билан турли сабабларга кўра алоқасини узманлиги ёки уларнинг бўйнига қарздорлик қўйилганлиги вазиятни янада мураккаблаштиради.

Жабрланувчиларни аниқлашдаги муаммолардан яна бири кўпгина қурбонларнинг бунга ўз ихтиёри билан рози бўлганликлари, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишига сабаб эса одам савдогарлари келишув шартларини бузганлиги билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари ҳуқуқлари бузилган бўлса-да, баъзи шахслар ўзларини жиноят қурбони деб ҳисобламайди.

Француз файласуфи Вовенарнинг “қуллик инсонни шу даражада ҳўрлайди-ки, у ўз занжирини севишни бошлайди” — деган фикрлари мазкур муаммони содда ва тушунарли қилиб ифодалайди.

Бунга сабаб турли давлатларда эксплуатация тушунчасининг ўзида фарқ мавжуд ва у жиноят қурбони томонидан субъектив талқин қилинади. Яъни, ҳаёт даражаси паст бўлган давлатлар фуқаролари ривожланган давлатлардаги эксплуатацияни бошқа нарсалар, масалан нисбатан юқори иш ҳақи, яшаш шароити мавжудлиги ҳисобига эксплуатация сифатида қабул қилмаслиги мумкин. Шахснинг ўзи муайян шартлар асосида эксплуатацияни нормал ҳолат сифатида қабул қилади.

Айнан юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида одам савдоси қурбонларини халқаро стандартларга мувофиқ аниқлаш механизмини белгилаш, одам савдоси қурбонларини қайта йўналтиришнинг миллий механизмини жорий этиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

“Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳририни қабул қилишдан кўзланган мақсадлардан бири ҳам жабрла-



нувчиларни жазоламаслик тамойилини миллий қонунчиликка мослаштиришдан иборат бўлди.

Қонунда жабрланувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор кафолатлар кўзда тутилган. Жумладан, Қонуннинг 5-бобида одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар, уларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашуви, жабрланганларнинг хавфсизлиги чоралари ва уларга тақдим этиладиган бошқа кафолатлар, одам савдосидан жабрланганлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлиги, жабрланганларга ва одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганларга ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш тартиби кўзда тутилган.

Қонуннинг 27-моддасида одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни топиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга "Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфсизлик чоралари таъминланиши кўзда тутилган, бироқ ушбу ўринда ҳам хавфсизлик чораларини қўллаш ҳамкорлик қилишга боғлиқ қилиб қўйилган.

Шунингдек, Қонунга мувофиқ одам савдосидан жабрланган деб тан олинган чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ҳолатларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилган.

Агар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ деб тан олинган бўлса ёхуд тегишли органларга одам савдосида гумон қилинаётган шахсни топишда ёрдам кўрсатаётган бўлса, одам савдосида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар ушбу чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан чиқариб юбориш чора-тадбирлари қўлланилмайди.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган қилмишлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаровий, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

ЖКнинг 41¹-моддасида ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 21¹-моддасида ҳам жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан кўрқитиш натижасида ушбу Кодекс билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар



бундай мажбурлаш ёхуд кўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, ёки ҳуқуқбузарлик ҳисобланмаслиги белгиланган.

Аксарият жиноятлар қабул қилувчи давлатлар ҳудудига содир этилиши сабабли Ўзбекистон фуқароларининг бошқа давлатлар ҳудудига одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида нодавлат ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, бошқа давлатларда одам савдоси қурбонига айланган Ўзбекистон фуқаролари тўғрисида маълумотларни доимий таҳлил қилиш, жиноятнинг аниқ сабаб ва шароитларидан келиб чиқиб унинг олдини олиш чораларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун:

1. Одам савдоси қурбонининг ёрдам, қўллаб-қувватлаш ва ҳимояга бўлган ҳуқуқни унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш ёки қилмаслиги, имконияти ва хоҳишига боғлиқ бўлмаслиги керак.

2. Одам савдоси қурбонларига ёрдам беришга ихтисослашган нодавлат ташкилотлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Бундай ташкилотларнинг хорижий давлатларда қурбонни аниқлаш ва у билан алоқа ўрнатиш, манзилли ёрдам кўрсатиш имконияти нисбатан кенгрок.

Қурбонларга зарурий ёрдам ва реабилитация чоралари кўрсатилгандагина ўз ҳаётларини бошқариш ҳуқуқларини қайтариб олишлари, ўзларининг манфаатлари ва мақсадларига мос қарорлар қабул қилишлари мумкин бўлади.

Биргина ҳуқуқий чоралар билан мазкур масалани ечиш имконсиз, фақатгина мураккаб ҳуқуқий ва ижтимоий чоралар мажмуаси мазкур масалани ҳал қилиши мумкин.



**Воҳиджон
ҚАЗАҚОВ,**

Хоразм вилоят
судининг иқтисодий ишлар
бўйича судьяси

ОСИЁ-ТИНЧ ОКЕАНИ МИНТАҚАСИДА (LAWASIA) СУД МУАССАСАЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Суд — ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг асосий вазифаси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Судлар ишларни ошқора кўриш орқали ҳар бир фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кафолат яратади. Мустақил ва ҳолис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган бошқа халқаро ҳужжатларда мустақамланган.

Қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар белгиланган.

Жумладан, суд мустақиллигига оид халқаро ва минтақавий ҳужжатларда суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари ва уни самарали амалга ошириш тартиблари ишлаб чиқилган.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 80/32-сонли резолюцияси билан маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” биринчи бўлимнинг 2-бандида, “Суд органлари ўзларига берилган ишларни ҳолисона фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз қилади” деб белгиланган.

Шунингдек, LAWASIA минтақаси олий судлари раислари ва Осиё-Тинч океани минтақаси бошқа судьялари томонидан 1995 йилда Пекинда ҳамда LAWASIA Кенгаши томонидан 2001 йилда қабул қилинган “Осиё-Тинч океани минтақасида (LAWASIA) Суд муассасалари мустақиллигининг принциплари тўғрисида Пекин баёноти”да ҳам суд ҳокимияти мустақиллиги ва суднинг мақсади белгилаб берилган.

Жумладан, ушбу Баёнотда “ҳар ким ўзининг иши қонун асосида ташкил этилган, малакали,

ваколатли, мустақил ва ҳолисона суд томонидан адолатга риоя этилган ҳолда ошқора кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга эканлиги, мустақил суд ҳокимияти ушбу ҳуқуқ амалга оширилиши жараёнининг ажралмас қисми” эканлиги белгиланган.

Мазкур Баёнотга кўра, суд ҳокимиятининг мустақиллиги қуйидагиларни талаб этади:

– фактларни ҳолисона баҳолаган ҳолда ўз олдидан турган масалаларни ҳал этиш ва қаердан келиб чиқишидан қатъи назар бевосита ёки билвосита номақбул таъсирсиз қонунларни тушуниш;

– суд ҳокимияти судда кўриб чиқилиши лозим бўлган барча масалалар бўйича бевосита ёки назорат воситасида ваколатга эга бўлиши зарур.

Суд ҳокимиятининг бурчи бошқа давлат институтларининг тегишли мақсадлари ва вазифаларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида суд ҳокимиятининг ҳеч бир иерархик ташкилоти судья ёки коллегиал тарзда иштирок этаётган судьяларнинг ҳукм чиқаришга доир вазифаларига таъсир қилмаслиги керак. Ўз навбатида суд органлари яқка тартибда ва жамоавий тарзда Конституция ва қонунларга мувофиқ ўз вазифаларини бажаришлари зарур.

Маълумки, суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.



“Осиё-Тинч океани минтақасида (LAWASIA) Суд муассасаларининг мустақиллиги принциплари тўғрисида Пекин баёноти”да суд ҳокимиятининг мақсади ва вазифалари белгиланиб, улар таркибига қуйидагилар киради:

барча шахслар ҳуқуқ устуворлиги принципига кўра хавфсизликда яшаш имконига эга бўлиш учун чоралар кўриш;

суд ваколатлари доирасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва таъминланишига кўмаклашиш;

муайян шахслар ва давлат ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда ҳолисона одил судловни амалга ошириш.

Суд ҳокимиятида ўз мақсадларига эришиш ва ўз вазифаларини бажаришга имконият бўлиши учун судьялар исботланган малакалилик, ҳалоллик ва мустақиллик асосида сайланиши муҳим аҳамиятга эга.

“Осиё-Тинч океани минтақасида (LAWASIA) Суд муассасалари мустақиллигининг принциплари тўғрисида Пекин баёноти”га кўра, судьяларни тайинлаш тартиби судья лавозимига юқори малакали шахслар тайинланишини таъминлаши зарур. У фақат малакали, ҳалол ва мустақил шахслар тайинланиши учун эътиборга олинishi зарур бўлган номақбул таъсирдан ҳимояни тақдим этиши лозим.

Судьяларни танлашда ирқи, миллати, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа қарашлари, ижтимоий келиб чиқиши, оилавий ҳолати, жинсий мойиллиги, мулкый аҳволи, туғилиши ёки мавқеи бўйича камситишга йўл қўйилмайди, аммо судья лавозимига номзоднинг мазкур мамлакат фуқароси бўлиши талаби камситиш ҳисобланмайди.

Профессионал юридик ҳамжамият тузилмаси ва юристлар қаторидан танланадиган судьялар манбалари турли жамиятларда турлича бўлади. Айрим жамиятларда судьялик – бу алоҳида касб, бошқаларида – судьялар амалиётчи ҳуқуқшунослар орасидан сайланади. Шунинг учун турли жамиятларда судьяларни талаб даражасида тайинлашни таъминлаш учун турли тартиблар ва химоя воситалари қўлланилиши мумкин.

Айрим жамиятларда судьяларни суд хизмати комиссияси томонидан ёки унинг рухсати ё у билан маслаҳатлашувдан сўнг тайинлаш амалиёти мавжуд. Суд хизмати комиссияси таъсис этилган жойда у ўз таркибида олий суд ҳокимияти ва мустақил адвокатура вакиллари қамраб олиши зарур, шунда суднинг ваколатлилиги, ҳалоллиги ва мустақиллиги сақланиши таъминланади.

Суд хизмати комиссияси мавжуд бўлмаган ҳолларда судьяларни тайинлаш тартиблари аниқ белгиланиши ва расмийлаштирилиши лозим,

улар ҳақидаги маълумотлар эса жамоатчилик учун очиқ бўлиши керак.

Судьяларнинг хизмат поғоналаридан кўтарилиши малакалилик, ҳалоллик, мустақиллик ва тажриба каби омилларни объектив баҳолашга асосланиши зарур.

Шунингдек, судьяларнинг лавозимда бўлиш муддатлари кафолатланиши зарур. Айрим мамлакатларда судьяларнинг лавозимда бўлиш муддати халқ овоз бериши ёки бошқа расмий жараён орқали даврий тарзда тасдиқланиши зарурлиги эътироф этилган.

Лекин бир хил юрисдикцияда фаолият юритаётган барча судьяларни муайян ёшга етганда тугайдиган муддатга тайинлаш тавсия этилади. Лавозимда бўлиш муддатлари у лавозимда вақтида судьяга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.

Судьялар лавозимдан фақат ўз вазифаларини бажаришга қодир эмаслиги исботланган, у томонидан жиноят содир этилган ёки номуносиб хулқ-атвор учун озод этилиши мумкин.

Судьяларнинг парламент тартиблари ёки умумхалқ овоз бериши орқали лавозимдан озод этилиши номақбул бўлган ҳолларда, судьяни лавозимдан бўшатиш тартиблари суд тизими томонидан назорат қилиниши зарур. Ана шундай ҳолларда биринчи инстанцияда расмий ишни кўриб чиқиш заруратини белгилаш мақсадида лавозимдан бўшатиш таклиф этилишининг сабаблари ўрганилиши зарур. Расман ишни кўриб чиқиш уни ўтказиш учун дастлабки текширув етарлича асослар мавжудлигини кўрсатган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам лавозимдан озод этиш масаласи кўрилатган судья ишнинг адолатли кўриб чиқилишига оид ҳуқуққа эга. Интизомий жаримага тортиш, лавозимдан четлатиш ёки озод этишга тегишли бўлган ҳар қандай иш юритуви суд тартибларига оид белгиланган андозаларга мувофиқ ўтказилиши зарур.

Интизомий иш юритуви натижасида қабул қилинган қарорлар, улар ёпиқ ёки очиқ мажлисда чиқарилганлигидан қатъи назар матбуотда эълон қилиниши керак.



Судьялар ижро этувчи ҳокимият томонидан ўз розилигисиз бир юрисдикциядан бошқасига ёки бир ишдан бошқа ишга ўтказилмаслиги лозим, аммо бундай ўтказиш суд органлари томонидан мазкур масалани чуқур таҳлил этиш натижасида ишлаб чиқилган бир хил сиёсатга мувофиқ амалга оширилса, ҳеч бир судья бундай ўтказишни асоссиз равишда рад этмаслиги керак.

Шу ўринда айтиш жоизки, суд органларининг ва алоҳида судьяларнинг молиявий таъминоти масаласи халқаро ва минтақавий ҳужжатларда тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Лекин, “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари”да судьяларнинг тегишли ҳақ олиши ва пенсия таъминоти кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Судьялар тўғрисида”ги Қонунида судьялар ва оила аъзоларининг моддий ҳамда ижтимоий таъминоти, меҳнат таътили, уларни уй-жой билан таъминлаш, судьялар ва оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари, судьяларнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин уларга бериладиган кафолатлар ва пенсия таъминоти белгиланган. Жумладан, судьянинг иш ҳақи қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан тўланадиган ойлик лавозим маошидан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати, фахрий унвони учун ҳар ойлик устама ҳақлардан иборат бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ судьяларга бошқа тўловлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

“Осиё-Тинч океани минтақасида (LAWASIA) Суд муассасалари мустақиллигининг принциплари тўғрисида Пекин баёноти”га кўра, судьялар муносиб ҳақ олиши зарур. Уларга хизматни ўташнинг тегишли тартиби ва шароитлари таъминланиши керак. Ҳақ тўлаш ва судьялар томонидан хизматни ўташ шароитлари мазкур суд судьялари ёки уларнинг аксарияти розилик билдирган умумий ижтимоий-иқтисодий чоранинг ажралмас қисми бўлгани ҳолатидан ташқари, бутун хизмат муддати даврида уларга зиён етказадиган даражада ўзгартирилмаслиги керак.

Юқорида қайд этилган “Пекин баёноти”да белгиланганидек, судьялар миллий қонунларга мувофиқ, муайян шикоят киритиш ёки давлат томонидан компенсация тўланиши ҳуқуқи ёхуд бирон бир интизомий тартибга зиён етказмаган ҳолда ўз судьялик вазифаларини бажариши жараёнида кузатилган талаб даражасида бўлмаган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар натижасида моддий зарар етказилиши муносабати билан фуқаролик даъволарига қарши шахсий иммунитетдан фойдаланиши зарур.

Шунингдек, ушбу Баёнотда ваколатлилик, суд маъмурияти, ижро ҳокимияти билан муносабатлари, ресурслар ва фавқулодда вазиятлар масаласи ҳам белгилаб берилган.

Судьяларнинг эгаллаб турган лавозими, уларни рағбатлантириш ёки ресурслари ҳолати нуқтаи назаридан таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижро ҳокимияти алоҳида судья ёки судьяларни кўрқитиш ёхуд уларга тазйиқ ўтказиш учун қўлланилмаслиги зарур.

Судьяларнинг мустақиллигидан четланиши миллат ҳаётига таҳдид қилувчи фавқулодда вазиятлар вақтида, лекин фақат қонун билан белгиланган шароитларда ва тегишли халқаро ҳуқуқ билан эътироф этилган минимал андозаларга қатъий амал қилган ҳолда, уларнинг судлар томонидан қайта кўриб чиқилиши шарти билан йўл қўйилиши мумкин. Бундай фавқулодда вазиятлар даврида давлат муайян жинойи ҳуқуқбузарликларда айбланаётган оддий шахслар ишлари фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек, шахсларнинг айблов қўйилмасдан маъмурий тартибда ҳибсга олиниши судлар ёки бошқа мустақил орган томонидан “хабеас корпус” тартибида ёхуд бошқа шу каби тартиблар ёрдамида кўриб чиқилиши учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солиши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, судьяларни тайинлаш ва лавозимда бўлиш муддатлари – суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Суд органларининг мустақиллиги принципи судьяларга қатор ҳуқуқлар бериш билан бирга, улардан судлов ишини адолатли олиб боришни ҳамда томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этади.

Барча суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро ҳужжатлар, шунингдек, юқорида қайд этилган “Осиё-Тинч океани минтақасида (LAWASIA) Суд муассасаларининг мустақиллиги принциплари тўғрисида Пекин баёноти” суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар билан ишлаш, уларни қўллаш ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.



СУДЬЯЛАР УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

Ҳар қандай касбнинг мантиқ – маъносини унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириб бериш шу касб билан шугулланаётганлар учун ҳам, жамоатчилик учун ҳам ниҳоятда хосиятли ишдир, чунки инсон ўз касбининг мазмун-моҳиятини тўлиқ маънода тушунганда ва ҳис қилгандагина ўз фаолиятини бенуқсон амалга ошириши мумкин.



Каримжон САИДОВ,
Суд тизими
фахрийси

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан нашр этилган – “Судья маънавияти, одоби ва маърифати” деб номланган китобни интиқлик билан ўқиб чиқар эканман ушбу зиё манбаи менда жуда катта маънавий таассурот қолдирди.

Китобда судьянинг одоби, ақл-заковати билан боғлиқ суд жараёнларининг маданий савияси ҳақида баён этилган фикрлар алоҳида аҳамият касб этади, чунки бу ҳолат суднинг жамиятда тутган ўрни, обрўси ва фуқароларнинг унга, шу орқали эса давлатга бўлган муносабатларини белгиловчи энг муҳим воситалардан бири бўлиб, китобда бу масала жуда тушунарли тарзда ёритиб берилган.

Судьялик касбининг масъулияти ҳақидаги масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган ва бу фикр бир қанча тарихий, ибратли воқеалар билан далилланган. Имом Аъзам ҳазратлари қозиликни рад этганлар. Уни қозиликни қабул қилишга ундаган кишиларга қарата: “Бу ҳоким одамларнинг бошини олишга фармон ёздириб, бу фармонини мен муҳраб, тасдиқлаб беришимни истайдими? Аллоҳга қасамки, мен бу ишни асло қилмайман”, дея уларнинг илтимосини рад этадилар.

Улуғ файласуфлардан бири “Агар менинг юртимда яккаю-ягона қози(судья) қолса ҳам мени ҳақиқат ва адолатга бўлган ишонч ҳеч қачон тарк этмайди”- деган экан.

Китобда судья томонидан қабул қилинадиган суд қарорларининг қонуний ва адолатли бўлиши ҳақида келтирилган фикрлар ҳам жуда ўринли.

Ҳақиқатда ҳам ҳал қилув қарори, ҳукм давлатнинг номидан қабул қилинадиган, суднинг обрўси, мавқеини ифода этувчи, судьянинг билим салоҳияти, амалдаги қонунлар ва ҳал қилинаётган масала бўйича Олий суд Пленуми қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни мушоҳада қилиб, тўғри татбиқ қила олиши, суднинг иш бўйича хулосасини саводли ёзма ифода эта олиш қобилиятидан далолат берувчи ва маълум маънода судьянинг маданий савиясини акс эттирувчи алоҳида аҳамиятга молик бўлган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Улуғ немис шоири, қайтарилмас файласуф, аслида ҳуқуқшунос бўлган Иоганн Вольфганг Гёте “Ўзи ҳақида ҳукм чиқаришга ўрганмаган киши, бошқалар ҳақида ҳукм чиқара олмайди”-деган эди. Шу нуқтаи назардан судланувчига жазо тайинлаш билан боғлиқ, ниҳоятда мураккаб ва ўта масъулиятли масалани ҳал қилиш учун судья юксак даражадаги билим ва ҳаёт тажрибасидан ташқари, биринчи навбатда ахлоқий ва маънавий ҳуқуққа эга бўлиши керак.


Юқорида қайд қилинган фикрлар бўйича якуний хулоса қилинадиган бўлса судья биринчи навбатда ўзининг хатти-ҳаракатлари, қабул қилган қарорлари учун ҳар дамда шахсий масъулиятни ва ўз виждони олдида жавобгарликни ҳис қила оладиган киши бўлмоғи лозим деб ўйлайман. Шундагина унга нисбатан ташқи назорат учун бирор-бир маънода зарурат бўлмайди.

“Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайди. Эзгулик қилишдан чўчийдиганларни ахлоқий гўзал одамлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Ҳамма яхши нарсаларни яхши деб билган, бойлик ва амал ҳам буза олмайдиган одамлар энг олийжаноб инсонлардир. Виждон олийжаноб инсоннинг одил ҳакамидир”- деган эди улуғ юнон файласуфи Аристотель.

Судьянинг китобга ошно бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрлар айни ҳақиқатдир. Фикримизча судьянинг китобга ошуфталиги унинг санъатни ҳис қилишига сабаб бўлади. Санъатни тушуниш эса инсон кўнглини, қалбини поклашга, тозалашга ёрдам беради. Ҳаёт тажрибасидан маълумки қалби тоза кишилар кўлидан бировга ёмонлик қилиш келмайди.

Ушбу рисоланинг юқори даражадаги мазмун-моҳияти унинг муаллифлари комиллик даражасидаги фазилатларга, етарли ҳаёт тажрибасига, билим салоҳиятига эга эканликларидан далолат беради ва мен уларга суд фахрийси сифатида бу қилган меҳнатлари учун самимий миннатдорчилик билдираман.

Менимча ушбу китобни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, айниқса инсонлар тақдирини ҳал қилиш билан боғлиқ ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифани бажарувчи судьялар батафсил ўқиб, ўрганиб чиқишса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки бу китоб судьяни маданиятли, ҳалол-пок бўлишга, ҳамиша ўз эътиқоди олдида ҳисоб беришга, иш юзасидан ва ҳаётда вужудга келган мураккаб вазиятларда сабр-тоқатли, иродали бўлишга ва ҳар қандай шароитда тўғри, адолатли йўл тутишга ундайди ҳамда улар учун чин маънода дастуриламал бўлиб ҳисобланади.





Бобомурод АВАЗОВ,

Тошкент давлат юридик университети
Меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

ИШГА ТИКЛАШ ИНСТИТУТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Меҳнат кодекси (МК) 270-моддасининг биринчи қисмида меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишининг қуйидаги муддатлари белгиланган:

ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой;

ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Маълумки, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низолари бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади. Шу сабабли МК 270-моддаси биринчи қисмининг илк хатбошисидан кўрсатилган бир ойлик муддат фақат судга мурожаат этишга тааллуқлидир.

Таъкидлаш зарурки, меҳнат шартномаси бекор қилинмасдан, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақидаги низо меҳнат низолари комиссияси томонидан ҳам кўриб чиқиши мумкин. Бу ишга тиклаш низоси фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли эмас, балки ходимни бошқа доимий ишга ўтказиш ёки вақтинча бошқа ишга ўтказиш ортидан ҳам келиб чиқиши мумкинлигини англатади. Бироқ, меҳнат шартномаси бекор қилинмасдан, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақидаги меҳнат низоси бўйича меҳнат низолари комиссиясига ёки судга мурожаат қилиш муддати белгиланмаган. Шу боис, 270-модда биринчи қисмининг дастлабки хатбошисидан назарда тутилган ишга тиклаш низолари бўйича судга мурожаат этиш муддати бевосита меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишга ҳам тааллуқли бўлиши учун мазкур хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган ёки бошқа доимий ишга ўтказиш ёхуд вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ унга маълум қилиниб, тилхат олинган кундан бошлаб бир ой”.

Мутахассислар меҳнат шартномаси бекор қилинмасдан, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим ўзини аввалги ишига тиклаш ҳақидаги низо ҳал қилишни сўраб МК 270-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидан кўрсатилган уч ойлик муддатда судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиши мумкин, чунки бу ишга тиклаш эмас, балки бошқа меҳнат низолари доирасига киришини эътироф этадилар. Фикримизча, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги низо бошқа меҳнат низолари туркумига кирмайди ва у айнан ишга тиклаш низосининг ўзидир. Жумладан, МК 111-моддасининг биринчи қисмида меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозимлиги белгиланган. Шунингдек, МК 271-моддасининг биринчи қисмида меҳнат шартномаси қонунга хилоф ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда, у меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган томонидан аввалги ишига тикланиши кераклиги назарда тутилган. Демак, нафақат меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ҳолларда, балки ходим ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам меҳнат низосини кўриб чиқувчи орган томонидан унинг “аввалги ишига қайтарилиши” меҳнат ҳуқуқи ва қонунчилигида “ишга тиклаш” институти (МК 111-моддаси) орқали ифодаланади. Шундай экан, ишга тиклаш низолари бўйича МК 270-моддаси биринчи қисмининг дастлабки хатбошисидан назарда тутилган бир ойлик муддатни бевосита меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишга ҳам тадбиқ қилиш хусусидаги тақлиф асосли ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасининг 598-моддаси биринчи қисми (якка тартибдаги меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш муддатлари) га асосан судга мурожаат қилишда қуйидаги муддатлар ўрнатилади:

ишга тиклаш бўйича низолар — ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси берилган кундан бошлаб уч ой;

иш берувчига ходим томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича низолар — иш берувчи томонидан зарар етказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир йил;

бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб олти ой.

Мазкур моддада фақат судга мурожаат қилиш муддатлари белгиланган бўлиб, ушбу муддатлар меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишга нисбатан татбиқ этилмайди. Шунингдек, лойиҳанинг 592-моддаси (Меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилиш муддати) биринчи қисмида ходим меҳнат низолари бўйича комиссияга ҳуқуқининг бузилганлигини билган ёки билиши керак бўлган кундан бошлаб олти ой ичида мурожаат қилиши мумкинлиги кўрсатилган. Эътироф этиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексидан фарқли равишда янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасида судга ва меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилиш муддатлари алоҳида-алоҳида моддаларда баён этилганлиги қонунни тушуниш ва қўллашни осонлаштиради. Бироқ, лойиҳанинг 598-моддасида амалдаги МК 270-моддасидаги “ишга тиклаш” институтини қўллаш билан боғлиқ камчилик такрорланган, яъни фақат меҳнат шартномаси бекор қилиниши ортидан келиб чиқадиган ишга тиклаш ҳақидаги низоларни ҳал қилишни сўраб мурожаат қилиш муддати белгиланган. Шуни қайд этиш зарурки, амалдаги кодекс ҳам, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси ҳам агар низо меҳнат низолари комиссияси томонидан кўриб чиқилмаган бўлса, бу судлар ходимнинг аризасини кўриб чиқишни рад этиши учун асос бўла олмаслигини таъкидлайди. Демак, ходим ҳар қандай меҳнат низосини, шу жумладан ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги муносабати билан ўзини аввалги “ишига тиклаш” ҳақидаги низони ҳал қилишни сўраб тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасининг 598-моддаси биринчи қисми дастлабки хатбошисида кўрсатилган уч ойлик муддат ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш

ҳақидаги меҳнат низоси бўйича судга мурожаат қилишга нисбатан ҳам татбиқ этилиши ўринли бўлиши учун қонун ижодкорлари ушбу хатбошини қуйидаги таҳрирда баён этиши мақсадга мувофиқ:

“ишга тиклаш бўйича низолар — ходимга меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисида буйруқ нусхаси берилган ёки бошқа доимий ишга ўтказиш ёхуд вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқ унга маълум қилиниб, тилхат олинган кундан бошлаб уч ой”.

Бундан ташқари, ишга тиклаш масаласида (ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганда) меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилиш учун белгиланган олти ойлик муддат ва (меҳнат шартномаси бекор қилинганда) судга мурожаат қилиш учун белгиланган уч ойлик муддат ўзаро мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан ҳам қайта кўриб чиқиши лозим.

Таъкидлаш керакки, қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги низо меҳнат низолари комиссияси томонидан ҳам кўриб чиқиши мумкинлиги сабабли амалдаги МК 111-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ишга тиклаш ваколатига эга бўлган органлар доираси ушбу комиссияни ҳам аниқ кўрсатган ҳолда кенгайтирилиши ва қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

“Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, меҳнат низолари комиссияси, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим”.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қонун тили юридик тилнинг ўзаги, туб “мағзи” ҳисобланади ва юридик тилнинг барча кўринишлари учун энг муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Қонун тилининг “гўзаллиги ва нафосати” унинг содда ва лўнда, қисқа ифодаланганлигида, ҳуқуқий меъёрларнинг энг юқори даражада аниқ акс эттирилганлигидадир. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ҳам ўзида ишга тиклаш институтига оид ҳуқуқий меъёрларни энг юқори даражада аниқ акс эттирган бўлиши лозим. Зеро, юқори даражадаги аниқлик Қонуннинг халқчил ва ҳаётий аҳамиятини сақлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sultonmurodovich, A. B. The Regulation of Fixed-term Employment Contracts in Uzbekistan. JournalNX, 573-579.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 269-модда, <https://lex.uz/docs/142859>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 96-модда, <https://lex.uz/docs/142859>.
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 269-модда, <https://lex.uz/docs/142859>.
5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳаси, 596-модда.
6. Кўчимов Ш., Аббасова Г., Исроилова Д. (ва бошқ.). Суд қарорлари сифатини ошириш бўйича амалий қўлланма. -Тошкент: Baktria press, 2020. -93-б., -110-б.



**Алишер
ИСМОИЛОВ,**
Судьялар олий
мактаби
мустақил
тадқиқотчиси

ПАРЛАМЕНТ ВА ҲУКУМАТ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамасининг ўзаро ҳамкорлиги бир қатор қонун ҳужжатларига асосланади. Мазкур ҳужжатларда қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларининг ҳамкорлиги механизми ва тартиби белгиланган.

Бу борадаги биринчи муҳим манбаа – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституция Парламент ва Ҳукуматнинг ваколатлари доирасини аниқ белгилаб, мазкур органларнинг ўз ваколатларини амалга оширишда ҳамкорлик асосларини назарда тутади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг асосий вазифаларидан бири “Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари... ижросини таъминлаш”дан иборат¹. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир. Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, унга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш, Ҳукумат томонидан киритилган давлат бюджетини тасдиқлаш ва уни назорат қилиш орқали Ҳукуматни шакллантиришда фаол иштирок этади.

Кейинги манбаа – бу Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги² Конституциявий қонунидир. Мазкур қонун Ҳукуматнинг мақомини мустаҳкамлаб, унинг парламент палаталари билан биргаликдаги ҳаракатлари тартибларини белгилаб беради. Масалан, Қонуннинг 27-моддасига асосан, давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтириш, шунингдек бюджет моддалари бўйича ўзгартиришларни назарда тутувчи қонунларнинг лойиҳалари фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда киритилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Демак, қуйи палата юқорида назарда тутилган ҳолларда қонун лойиҳасини кўриб

чиқишда Ҳукумат билан келишиш тартиботларига (фикр олиши) таянади. Юқорида келтириб ўтилган Қонуннинг 10-моддасига асосан, Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Бош вазир ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари иштирок этишлари мумкин. Парламент палаталари Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва стратегик давлат дастурларини қабул қилиш, ижро ҳокимияти органлари тизими ва ваколатларини белгилаш вазифаларини амалга оширади. Парламент палаталари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Бош вазир ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги³ Конституциявий қонунида ҳам “Ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлиги соҳасида бир қатор ваколатлар белгиланган, бу ўз навбатида уларнинг мамлакат Конституциясида белгиланган биргаликдаги ваколатларидан келиб чиқади”. Фикримишча, қонундаги бўшлиқликлардан бири бу Олий Мажлис Сенатининг Ҳукумат билан ўзаро ҳамкорлик тартиботини белгилаб берувчи модданинг мавжуд эмаслигидир. Қонунга мазкур ўзгартиришларнинг киритилиши Ҳукумат билан Парламент юқори палатаси ўртасидаги муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади ва субъектлар вазифалари ва функцияларини тўла-тўқис амалга оширишини янада яхшилайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”-ги⁴ Қонуни Парламент ва Ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида муҳим ўрин эгаллайди.

Қонуннинг 8-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузаларни тақдим этади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг



асосий йўналишларини, Давлат бюджетининг асосий параметрларини ва унга ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Вазирлар Маҳкамаси айрим аъзоларининг ўзлари раҳбарлик қилаётган давлат бошқаруви органи фаолияти масалалари юзасидан ахборотини эшитиши ҳамда зарур бўлганда уни истеъфога чиқариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритиши мумкин.

Кун тартибига Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ёки унинг айрим аъзолари фаолиятига тааллуқли масалалар қўйилган тақдирда, Бош вазир ушбу масалалар юзасидан зарур тушунтиришлар олиши ва изоҳлар беришга ҳақли. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари кўмиталари ва комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва таклифларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан чора-тадбирларни кўради. Тавсиялар ва таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тегишли кўмиталарини ва комиссияларини келишилган муддатда хабардор қилади.

Шунингдек, мазкур қонунда парламент сўровларини кўриб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиблари ҳам белгилаб берилган. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки унга бўйсунувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятига тааллуқли бўлган парламент сўрови ёки Қонунчилик палатаси депутати ҳамда Сенат аъзосининг шундай сўрови юборилган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд унинг аъзоси қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда жавоб тақдим этиши шарт. Кўриб турганимиздек, Қонун Парламент ва Ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини етарли даражада ифода этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 сентябрдаги ПҚ–3294-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида” қарори қабул қилиниб, мазкур қарор билан Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги Ваколатли вакили лавозимини жорий этилган. Мазкур Ваколатли вакилнинг асосий вазифалари этиб Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палата-



ларида кўриб чиқиладиган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ўзаро яқин ҳамкорлигини таъминлаш, уларни Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратида кўриб чиқиш, келишиш ва ахборот бериш жараёнларида иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида қонунлар лойиҳалари, бошқа масалаларни муҳокама этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида қонун лойиҳаларини (қонунларни) кўриб чиқишда иштирок этадиган Ҳукумат вакиллари таркибини шакллантиришда иштирок этиш кабилар белгиланган.

Фикримизча вакиллик фаолияти самардорлигини янада ошириш мақсадида вакиллик раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимини таъсис этиш ва унинг зиммасига қонун ижодкорлиги, шу жумладан, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенатида ҳимоя қилиш бўйича ишларни ташкил этиш вазифасини юклатиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталари билан Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, парламент ҳужжатлари ва мурожаатлари билан ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ўз навбатида қонун ижодкорлиги ва Парламент назорати соҳасида, Олий Мажлис палаталари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг мурожаатларини кўриб чиқишда ўзаро ҳамкорликка оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-модда, 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 153-модда
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-модда, 2003 й., 5-сон, 67-модда
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 03/19/591/4130-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон



Мухтарам РАДЖАПОВА,

Бош прокуратура Академияси Судларда прокурор ваколатини таъминлаш кафедраси бошлиғи

ЮҚОРИ ТУРУВЧИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноий жазоларнинг либераллаштирилишига қаратилган ислохотлар натижаси сифатида миллий қонунчиликка ярашув институтининг киритилганлиги, ушбу институтдан кўзланган мақсад, бир қатор хорижий давлатларда ярашув институтини қўллашга оид қонунчилик таҳлили, мазкур институтни миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда қўллаш тартиби ва уни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар баён этилган.

Таянч сўзлар: жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув институти, жабрланувчининг аризаси, қопланган зарар, тарафлар, жиноий суд иш юритиш босқичлари, суд муҳокамаси, тарафдорнинг ўзаро тортишуви, биринчи инстанция, апелляция инстанцияси, кассация инстанцияси.

АННОТАЦИЯ:

в статье изложены вопросы введения в национальное законодательство института примирения как результат проводимых реформ, направленных на либерализацию уголовных наказаний, цели, преследуемые от этого института, анализ законодательства отдельных зарубежных стран по применению института примирения, установленный национальным уголовно-процессуальным законодательством порядок применения данного института и предложения по дальнейшему его совершенствованию.

Ключевые слова: либерализация уголовных наказаний, институт примирения, заявление потерпевшего, возмещённый ущерб, стороны, стадии уголовного судопроизводства, судебное разбирательство, состязательность сторон, первая инстанция, апелляционная инстанция, кассационная инстанция.

АННОТАЦИЯ:

the article outlines the issues of introducing the institution of reconciliation into national legislation as a result of ongoing reforms aimed at liberalizing criminal penalties, the goals pursued by this institution, analysis of the legislation of certain foreign countries on the application of the institution of reconciliation, the procedure for the application of this institution established by the national criminal procedural legislation and suggestions for its further improvement.

Key words: liberalization of criminal liability, institution of reconciliation process, victim's statement, compensated damage, parties, stages of criminal proceedings, court proceedings, adversarial parties, first instance, appellate instance, cassation instance.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни билан Жиноят кодексига киритилган 66¹-модда ярашув институтининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди¹.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши доирасида қонунчиликка кириб келган ярашув институти нафақат айбдор шахсларнинг, балки жабрланувчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кенгроқ имкон яратиб, уларга етказилган зарарлар айбдор шахслар томонидан дастлабки тергов ёки суд жараёнида тўлиқ қопланишига имкон яратди. Бу эса, ўз навбатида, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш доирасини кенгайтириш, судланганлик ҳолатини камайтириш каби ижобий имкониятларга сабаб бўлди.

Айнан шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сонли “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг учинчи банди 4-хатбошисида ярашув институтини қўллаш доираси ва асосларини янада кенгайтириш вазифаси қўйилган².

Таъкидлаш жоиз, хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш натижалари ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жиноятни содир этган гумонланувчи ёки айбланувчига нисбатан, агарда бу шахслар жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни қоплаган бўлса, жиноят ишини тарафлар ярашганлиги сабабли тугатиш институтини қўллаш асослари кенг белгилаганлигини кўрсатди.

Россия Федерацияси ЖПКнинг 25-моддаси тарафлар ярашганлиги сабабли жиноят ишини тугатишга оид қо-

идаларни белгилаб берган бўлиб, унга кўра суд, шунингдек тергов органи бошлиғи, терговчи ёки прокурорнинг розилиғи билан суриштирувчи, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилининг ари-засига асосан РФ ЖКнинг 76-моддасида кўрса-тилган ҳолларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жиноятни содир этган гумонланувчи ёки айбланувчига нисбатан, агарда бу шахс жабрланувчи билан ярашган ва етказил-ган зарарни қоплаган бўлса, жиноят ишини туга-тишга ҳақли эканлиги назарда тутилган³.

Россия Федерациясининг жиноят-процессу-ал қонунчилиги нафақат суриштирув, дастлабки тергов ёки биринчи инстанция судида ярашув институтини қўллаш мумкинлиги ҳақидаги қо-идаларни, балки ишлар юқори суд инстанция-ларида кўрилишида ҳам тарафлар ярашганлик-лари сабабли ярашув институти қоидаларини қўллаган ҳолда жиноят ишини тугатишга оид меъёрларни мустаҳкамлаган.

РФ ЖК 212-моддасининг биринчи қисмига асосан бундай қарор дастлабки тергов жараёни-да, ЖКнинг 226-м. ва 226^б-моддасига кўра су-риштирув чоғида, 239-модда талабларига кўра суд томонидан дастлабки эшитув босқичида ва 254-моддага асосан суд муҳокамаси жараёнида қабул қилиниши мумкин.

Шу билан биргаликда, РФ ЖКнинг 389²¹-мод-дасига асосан апелляция суд инстанцияси ишни апелляция шикоятига асосан кўриш жараёнида биринчи инстанция судининг айблов ҳукми ёки бошқа суд ҳужжатини бекор қилиб, ишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Худди шунингдек, кассация суд инстанцияси ҳам ишни кассация тартибида кўриш жараёнида тарафлар ярашилганлиги муносабати билан қуйи судлар томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари-ни бекор қилиб, ишни РФ ЖКнинг 25-моддаси тар-тибида тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Қозоғистон Республикасининг ЖКда ҳам та-рафлар ярашганлиги сабабли жиноят ишини туга-тиш тартибига оид нормалар белгиланган бўлиб, ушбу асосларга кўра жиноят ишини тугатишга нафақат судга қадар ва биринчи инстанция суди муҳокамаси чоғида, балки апелляция ва кассация суд инстанциялари жараёнида ҳам йўл қўйилади.

Қозоғистон Республикаси ЖК 439-моддаси-нинг учинчи қисмига асосан апелляция суд ин-станциясида тарафлар жабрланувчи билан яраш-ганлиги сабабли жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома келтиришлари мумкин. Тарафлар ярашганлиги сабабли жиноят ишини тугатиш асослари аниқланган тақдирда, апелляция суд инстанцияси ҳукми бекор қилиш ва ишни мазкур асос билан тугатиш ҳақида қарор қабул қилади⁴.

Украина жиноят-процессуал қонунчилиги жи-ноий суд процессининг барча иштирокчилари, шу жумладан жабрланувчининг ҳуқуқларини алоҳида



норма шаклида белгиланган. Украина ЖК 56-мод-дасининг тўртинчи қисмига асосан жиноий иш юритувининг барча босқичларида жабрланувчи, гумонланувчи, айбланувчи билан ярашиш ва яра-шув келишуви тузиш ҳуқуқига эга. Украина давлати-нинг жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонунчили-гида белгиланган ҳолларда ва жиноят-процессуал Кодексида ўрнатилган тартибда жабрланувчи, гу-монланувчи ва айбланувчининг ярашуви жиноий иш юритувини тугатиш асоси бўлиб ҳисобланади⁵.

Украина ЖКнинг 471-моддаси жабрла-нувчи ва гумонланувчининг (айбланувчининг) ярашувини расмийлаштириш қоидаларини бел-гилаган бўлиб, унга кўра улар ўртасида ярашув ҳақида келишув тузилади⁶.

Шунга ўхшаш қоидалар Эстония давлатининг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам белги-ланган бўлиб, унга кўра тарафлар ярашганлиги сабабли жиноят ишини тугатишга дастлабки тергов жараёнида, суриштирув чоғида, суд то-монидан дастлабки эшитув босқичида, асосий суд муҳокамаси жараёнида, апелляция ва кас-сация суд босқичларида йўл қўйилиши мумкин.

Бироқ, бизнинг миллий қонунчилигимиз та-лабларига асосан ярашув институтини қўллаш вақти суриштирув ва дастлабки тергов ҳамда биринчи инстанцияда суд муҳокамаси босқичи билан чекланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-бобида белгиланган нормаларга асосан ярашилганлиги му-носабати билан Жиноят кодексининг 66¹-моддаси-да назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши белгиланган бўлиб, ярашув тўғри-сидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокама-сининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхо-нага киришидан олдин берилиши мумкин⁷.

Фикримизча, хорижий ва миллий тажрибани ўрганиш ҳамда таҳлил этишдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки ярашув институтини қўл-лаш доирасини янада кенгайтириш мақсадга му-вофиқ. Чунки, бу институт жиноят жабрдийдала-рининг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш



ва уларнинг ҳуқуқларини қисқа фурсатларда тиклаш имконини беради.

Бундан ташқари, ЎзР ЖПКнинг 2-моддаси иккинчи қисми талабларига асосан жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш билан бир қаторда шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозим. Тарафларнинг ярашувидан кўзланган асосий мақсад ҳам жабрланувчининг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда унга етказилган зарарнинг қопланишидир.

Апелляция ва кассация суд инстанцияларининг процессуал қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасидан келиб чиқиб, жиноят ишлари апелляция ёки кассация суд инстанцияларида кўрилатганда ҳам жабрланувчи судланувчи билан ярашиш хоҳишини билдирган ва тарафларнинг ярашуви учун қонунда белгиланган асослар мавжудлиги аниқланган ҳолларда юқори суд инстанцияларида ҳам ишларнинг мазкур асос билан тугатилиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар киритилиши нафақат жабрланувчининг манфаатлари тикланишига, балки давлатимиз томонидан олиб борилаётган жиноий жазоларни либераллаштириш сиёсатига ҳам мувофиқ келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг учинчи банди 4-хатбошисида шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилатганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш масаласи кўтарилган⁸.

Жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига биноан юқори суд инстанцияларига ишларни кўриш жараёнида жиноятларни квалификация қилишда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда ушбу хатоларни бартараф қилиш ваколатлари берилган.

ЎзР ЖПКнинг 497³⁰-моддасига асосан апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини жазони енгиллаштириш ёки маҳкумга нисбатан енгилроқ жиноятга оид қонунни қўллаш орқали ўзгартиришга ҳақли.

Худди шундай ваколатлар кассация суд инстанциясига ҳам берилган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, ярашув институтини қўллашда энг муҳим талаблардан бири, бу – содир этилган жиноятнинг тўғри квалификация қилинишидир. ЎзР Олий Суди Пленумининг юқоридаги Қарори 5-банди иккинчи хатбошисида жабрланувчи томонидан берилган ариза бўйича қарор қабул қилиш ва судга юбориш муддатлари хусусида тушунтириш берилган бўлиб, унда содир этилган жиноий ҳаракат Жиноят кодексининг 66¹-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноят таркибларидан бирини ташкил этиш-этмаслиги масаласи ҳал этилганидан сўнг қонунда белгиланган муддатнинг ўтиши ҳисобланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган⁹.

Суд амалиётида юқори турувчи суд инстанциялари томонидан куйи инстанция судларининг ҳукмларини маҳкумнинг жиноий ҳатти-ҳаракатлари нотўғри талқин этилиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилинмаганлиги боис ўзгартирилганлик ҳолатлари кўп учрайди.

Бироқ, юқори турувчи суд инстанцияларида жабрланувчи билан судланувчи ўртасида ярашув институти қўлланилмаслиги сабабли, куйи судларнинг жиноятлар квалификациясига баҳо беришда йўл қўйган хатолари тарафлар қонунда назарда тутилган бундай ҳуқуқдан ва имкониятдан фойдалана олмасликларига сабаб бўлади.

Фикримизча, жиноят-процессуал қонунчилигига апелляция ва кассация суд инстанцияларида ярашув институтини қўллаш тартибини жорий этишга оид нормаларни киритиш орқали ушбу институтнинг жорий қилинишидан кўзланган мақсадга янада тўлиқроқ эришиш таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz> › docs ЎзРнинг 2001 й. 29 августдаги 254-И-сон Қонуни;
2. <https://lex.uz> › docs.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 й.10 августдаги 6041-сон Фармони
3. <https://online.zakon.kz/> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации;
4. https://online.zakon.kz › Document Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан;
5. <https://adilet.zan.kz/rus/docs> Нормативное постановление Пленума Верховного суда Республики Казахстан от 21.06.2001 г. № 4;
6. Ўша ерда;
7. <https://lex.uz> › docs.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
8. <https://lex.uz> › docs.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 й.10 августдаги 6041-сон Фармони;
9. <https://lex.uz> › docs Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 25.10.2002 й. (кейинги ўзгартишлар билан) 27-сон Қарори.

ЖИНОЯТНИ ОЧИШГА МАСЪУЛ МАНСАБДОР ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ



Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат
юримдик университетининг
профессори

АННОТАЦИЯ:

Ушбу мақолада жиноят ишини юримишга масъул бўлган мансабдор шахслардан терговчи, прокурор ва судьялар ҳуқуқларининг кафолатлари тизими илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: судья, терговчи, прокурор, қонун, жиноят, процесс.

Жиноят-процессуал қонунчилигига кўра, жиноят ишини юримишга масъул бўлган мансабдор шахслар сирасига судья, прокурор, терговчи, тергов бўлинмаси ёки гуруҳи бошлиғи, унинг ўринбосари, суриштирув органининг бошлиғи, суриштирувчи ҳамда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахси киради.

Ушбу шахслар жиноятни очиш жараёнида процессуал мажбурулов чораларини қўллаш, жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишларини суд мажлисларида кўриб чиқиб, Республика номидан ҳукм чиқариш ва суд ҳужжатларининг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослантирилганлигини текшириш ваколатларига эга.

Жиноятни ўрганиш жараёнида мансабдор шахсларнинг фаолиятларини қонундан оғишмай амалга оширишлари учун, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қатъий кафолатланиб, алоҳида мустақамланиши лозим. Шу нуқтаи назардан жараёнда иштирок этувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва дахлсизлиги масалаларини кўриб чиқамиз.

Жиноят процессида терговчи ҳуқуқларининг кафолатлари. Амалдаги қонунчиликка кўра, мамлакатимизда дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Терговчи – дастлабки тергов босқичида қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолмаслиги ва айбон шахснинг жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга масъул бўлган жиноят процессининг иштирокчисидир.

Жиноят ишини юримишга масъул бўлган мансабдор шахслардан бири сифатида терговчи фаолияти кафолатларининг моҳияти

ва асосий элементлари масаласи таҳлилчилар томонидан атрофлича тадқиқ этилган.

Хусусан, терговчи фаолияти кафолатларининг асосий йўналишларидан бири бўлган “терговчининг процессуал мустақиллиги” категорияси бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг бир қанча назарий қарашлари илгари сурилган.

Олималар З.Ф.Иноғомжонова ва Г.З.Тўлагановаларнинг фикрича, терговчининг мустақиллиги ва маҳсулдорлиги у бажарадиган вазифалар асосида ётади. Бу терговчи дастлабки тергов давомида амалга оширадиган жиноят ҳолатларини ўрганиш ва ҳал қилишда яққол намоён бўлади. Айнан иш ҳолатларини ўрганиш, жиноят иши бўйича оралиқ ва якуний қарорларни чиқариш айблов ёки ҳимоя учун асос бўлиб хизмат қилади. Терговчининг баъзи вазифалари маълум бир жиноят ишини кўриб чиқишда бажарилмаслиги ҳам мумкин. Терговчи мустақиллигининг чегараси унга берилган ваколатлар доираси орқали белгиланади.

Ҳуқуқшунос олимлар Р.С.Белкин ва В.В.Трубочкиналарнинг таъкидлашларича, терговчи маълум бир процессуал мустақилликка эга бўлиб, иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб ўзининг қарорларини чиқаради ва қайси ташкилотга тегишлилигидан қатъий назар ҳар қандай терговчи ўзининг фаолияти ва йўналишлари мазмуни билан боғлиқ бўлган қонун талабларига риоя қилиши шарт. У ҳар бир жиноят тез ва тўла тергов қилиниши, жиноятчи адолатли жазога тортилиши ва беайб шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслиги тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини таъминлаши керак.

Терговчининг мустақиллигини таъминлаш у томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонунийлиги ва асослигининг кафолати деб ҳисобланади, чунки терговчи

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида мустақил равишда ҳулосалар ва ҳукмлар чиқариш имкониятига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “терговчининг иш жараёнидаги мустақиллиги” деганда жиноят иши доирасида терговчининг мустақил раҳбарлик қилиши, тергов ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартибда мустақил қарор қабул қилиши каби масалалар тушунилади.

Миллий қонунчилигимизда терговчининг мустақиллиги ва унга дахл қилиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик масалалари куйидагича тартибга солинган:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддасига кўра, терговчи терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни (прокурор рухсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) мустақил равишда қабул қилади.

Жиноят қонунчилигига мувофиқ тергов қилишга аралашиб, яъни ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холис ўрганилишига тўсқинлик қилиш ҳолатларига нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ушбу турдаги жиноятлар юзасидан ҳуқуқшунос олим М.Ҳ.Рустамбоев: “тергов қилишга аралашиб тергов органи, прокуратура биноси ёнида шиор ёзилган плакатлар билан намойиш ёки митинг ўтказиб, тергов ва прокуратура органи биноси ёнида очлик эълон қилиш, оммавий ахборот воситаларида кампаниялар ташкил этиш ва бошқа кўринишларда намоеън бўлиши мумкин. Шунингдек терговчига таҳдид қилиш, ўзи яхши танийдиган прокурор орқали тергов ишини ўзининг фойдасига ҳал этишга уриниш; маслаҳат бериш ёки давлат ҳокимияти мансабдор шахси орқали йўл-йўриқ бериш

кабилар ҳам шулар сирасига киради. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК 37-моддасида “тергов бўлими бошлигининг кўрсатмалари ушбу жиноят таркибини ташкил қилмайди”, деб кўрсатилган).

Қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчиликда “Терговчининг дахлсизлиги” тунчасининг аниқ ҳуқуқий тавсифи, яъни мазкур дахлсизлик қандай масалаларни қамраб олиши ҳақида ягона ҳуқуқий меъёр мавжуд эмас.


Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-моддаси “Прокуратура органи ходимининг дахлсизлиги” деб номланган бўлса-да, мазкур моддада прокуратура терговчисига нисбатан жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиб ҳамда унинг интизомий жавобгарлигидан бошқа терговчи дахлсизлигига оид аниқ ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, ЖПКнинг 223-моддасига мувофиқ, ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқи бор шахслар, хусусан, прокурор ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

Бироқ, ушбу моддада терговчи иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслардан бири сифатида кўрсатиб ўтилмаган.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 239-моддасига мувофиқ, прокуратура терговчисига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тартибдаги эҳтиёт чораси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

“Ички ишлар органи тўғрисида”ги Қонунга кўра, ички ишлар органининг тергов бўлинмалари суриштирувчиларига, терговчиларига ва раҳбарларига нисбатан жиноят ишлари Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурдаги Тергов департаментининг терговчилари, бўлинмалари раҳбарлари ва бошлиғига нисбатан эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан кўзғатилади. “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасига кўра, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчиси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокурорининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.



Амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, яъни "терговчининг дахлсизлиги" тушунчаси ўз ичига фақатгина жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши кабиларни қамраб олган.

Шундан келиб чиқиб қонунчиликка терговчи фаолиятининг кафолатларидан бири сифатида "Терговчининг дахлсизлиги"га оид қуйидаги меъёрларни киритиш мақсадга мувофиқ:

– тергов органларига гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақирилиши;

– терговчининг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечиритиш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш;

– терговчининг телефондаги сўзлашувларини эшитиш;

– терговчини шахсан кўздан кечиритиш ва уни шахсий тинтув қилиш;

– терговчининг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечиритиш, олиб қўйиш ёхуд олишга оид аниқ ҳуқуқий механизмларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Жиноят процессида прокурор ҳуқуқларининг кафолатлари. Прокурор жиноят процессининг суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, қонунчиликда белгиланган ваколатларни ҳамда судларда ишларни кўриб чиқиш жараёнида давлат айбловини қувватлаш фаолиятини амалга оширади.

Жиноят процессуал қонунчилигида прокурор суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилиши ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шартлиги ҳамда ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши белгиланган.

Ҳуқуқшунос олим Х.Лукожевнинг фикрича, айблов "лагери"га раҳбарлик қилувчи субъект сифатида прокурор дастлабки терговни амалга оширувчи шахсларга қараганда анча мустақилликка эга бўлиши керак.

Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида прокурор қонунларни қўллаш устидан назорат қилувчи шахс, раҳбар ва бевосита



дастлабки терговни юритувчи сифатида намоен бўлади. Прокурор бу босқичда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилмаслигини таъминлаш, суриштирувчи, терговчининг ноқонуний хатти-ҳаракати ва қарорлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш ва йўл қўйилган хато камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш, далилларни тиклаш ва текширишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш, ҳолислик ва қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш каби бир қатор вазифаларни адо этади.

Демак, прокурорнинг мазкур фаолияти ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши учун қонунчиликда фаолиятининг кафолатлари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликда прокурор фаолиятига оид кафолатлар қуйидагича белгиланган.

Хусусан, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадидлар. Прокуратура органларининг фаолиятига аралаштиш тақиқланади.

Ушбу Қонунга мувофиқ прокурорга бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг рухсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган прокурор ва унинг процессуал кафолатларига оид бир қанча илмий-назарий қарашлар мавжуд.

Жумладан, кафолатлар прокурорларга қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби

зиммаларига давлат томонидан юклатилган вазифаларни ҳал этишда ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Таъкидлаш лозимки, миллий қонунчиликда “Прокурор дахлсизлиги” тушунчасининг аниқ ҳуқуқий тавсифи ва мазкур тушунчанинг жиноят процессуал қонунчиликдаги ҳолатига оид бирор ҳуқуқий метъёр мавжуд эмас.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49-моддаси “Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги” деб номланган бўлсада, мазкур моддада прокурор, терговчи ва суриштирувчига нисбатан жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки тергов ўтказиш прокуратура органларининг мутлақ ваколати ҳисобланишидан бошқа прокурор дахлсизлигига оид аниқ ҳуқуқий механизмлар кўзда тутилмаганлигини кўриш мумкин.

Фақатгина Жиноят-процессуал кодексининг 223-моддасида прокурор ушлаш чоғида иммунитет ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслардан бири этиб белгиланган бўлиб, унга кўра прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 239-моддасига мувофиқ, прокурорга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг розилиги билан қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Миллий қонунчиликда прокурор фаолиятининг процессуал кафолатларини янада кучайтириш мақсадида:

– унга нисбатан жиноят иши кўзга-тилиши;

– тергов органларига гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақирилиши;

– прокурорнинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш;

– прокурорнинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш;

– прокурорни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш;

– прокурорнинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олишга оид аниқ ҳуқуқий механизмларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шундан келиб чиқиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг “Прокуратура органлари ходимининг дахлсизлиги” деб номланган 49-моддасининг қайта таҳрир этилиши прокурор фаолияти кафолатларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят процессида судьялар мустақиллиги. Жиноят процессуал қонунчилигида судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши жиноят процесси принципларидан бири сифатида белгиланган. Унга кўра, одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсундилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашигга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Демак, судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ҳамда фақат қонунга бўйсунуш принципи жиноят ишларини кўриб чиқишда судьяларни ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилади.

Хусусан, суд ҳокимиятининг индивидуал (шахсий) мустақиллиги деганда судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар ва ҳаттоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллиги тушунилади.

Ҳуқуқшунос олимлар С.В.Медведева ва М.Н.Кочетковалар одил судловни амалга оширишда судьялар мустақиллиги куйидаги жиноят-процессуал кафолатларни ўз ичига олиши ҳақида гапирадилар: 1) судьялар терговчи, прокурор ва бошқа процесс иштирокчиларининг фикри, айбловни ўзгартириш имконияти билан боғлиқ эмаслиги; 2) далилларни ички ишонч асосида баҳолаш; 3) судьялар маслаҳатлашувининг махфийлиги;



4) судьянинг ўз фикрини эркин ифодалаш қобилияти.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар, хусусан М.И.Казаринанинг таъкидлашича, жиноят процессида судьялар мустақиллигининг кафолатлари тизимига қуйидаги ҳолатларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- судьялар маслаҳатлашуви сирини бузишни тақиқлаш;
- судьянинг жиноят ишидаги далилларни бевосита текшириш мажбурияти;
- агар суднинг бутун таркибига эътироз билдирилган бўлса, ишнинг ҳудудий юрисдикциясини ўзгартириш имконияти;
- судьянинг ишни коллегиял кўриб чиқиш чоғида ўз фикрини баён этиш ҳуқуқи;
- суд муҳокамасида айбловни ўзгартириш имконияти (агар бу судланувчининг аҳволини ёмонлаштирадими);
- судьянинг эътирози.

Ҳуқуқшунос олимлар Н.А.Петухов ва Г.Т.Эрмошин судьяларнинг мустақиллиги процессуал, ташкилий-ҳуқуқий ҳамда судья ва оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлари каби бир қатор кафолатлар билан таъминланишини таъкидлайдилар.

Мазкур олимларнинг нуқтаи назарига қўшилган ҳолда, судьянинг мустақиллигини таъминловчи асосий кафолатлар қаторида судьянинг дахлсизлиги ва одил судловни амалга оширишда қонунга оғишмай амал қилишини кўришимиз мумкин.

Судьяларнинг мустақиллиги жиноят ишлари уларнинг асосий хоҳишига кўра ҳал этилишини, назорат қилинмаслигини аниқлатмайди. Юқори турувчи судлар қонунда белгиланган тартибда ҳукмларни текшириш ҳуқуқига эгадир. Биринчи инстанция суди ишни қайта кўраётганда ҳулоса чиқариш ботида юқори судга тобе эмас, шунингдек нафақат далилларни баҳолаш ва фактларни аниқлашда, балки жиноят қонунини қўллаш ва жазо тайинлашда ҳам мустақилдирлар.

Ҳулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, жиноят процессида профессионал фаолият билан шуғулланувчи мансабдор шахслар фаолиятининг тегишли нормалар билан кафолатланиши, яъни соҳада уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамланиши одил судловга эришишда ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.



Фойдаланилган адабиётлар:

2. Тарасов А.А. Должностное лицо как субъект уголовно-процессуальных правоотношений // Вестник УЮИ. 2020. №4 (90). – С.107.
3. Иноғомжонов З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. /ю.ф.д. проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДҲИ нашриёти, 2007. – Б 52.
4. Иноғомжонов З.Ф. Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. Ўқув қўлланма. /ю.ф.д. проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. –Т.: ТДҲИ нашриёти, 2007. – Б 53.
5. Белкин Р.С. Курс криминалистики. Т.1-3 –М.: Юристъ, 1999. –Б.97.
6. Трубочкина В.В. Процессуальное положение следователя./ Вестник Московского университета, Серия 11. // Право. -1997. -№5. –Б.39.
8. Арсенова Т.Б. Процессуальная самостоятельность следователя: понятие и пределы //Вестник Московского университета МВД России № 6 • 2009.- С.77.
9. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Махсус қисм. Дарслик. – Т.: “ТҲИ”, 2009. – Б.484
10. <https://www.lex.uz/acts/3027843>.
11. <https://lex.uz/docs/3610935>.
12. Лукожев Х. Независимость суда и прокурора в уголовном судопроизводстве // Юридическая наука. №4 2021. – С.137.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – ТДҲИ, Т.: 2008, - Б.45.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда.
16. Королёв Г.Н. Правовые гарантии прокурорской деятельности // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2017, № 3, с. 142 – 146.
17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // www. lex.uz.
19. <https://xs.uz/uzkr/post/sudyalarning-mustaqilligiga-dakhl-qiluvchi-omillar-bular-nimalar>.
21. Медведева С.В. Уголовно-процессуальные гарантии независимости судей при отправлении правосудия / С.В. Медведева, М.Н. Кочеткова // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. –2014. – № 7 (2). – С. 32–35.
22. Казарина Марина Игоревна К вопросу о системе уголовно-процессуальных гарантий реализации принципа независимости судей // Сибирские уголовно-процессуальные и криминалистические чтения. 2018. №4 (22). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-sisteme-ugolovno-protsessualnyh-garantiy-realizatsii-printsipa-nezavisimosti-sudey> (дата обращения: 06.11.2021).
24. Петухов Н.А., Ермошин Г.Т. Независимость судьи Российской Федерации: современные проблемы обеспечения // Российская юстиция. 2013. № 3. С. 11.
25. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – ТДҲИ, Т.: 2008, - Б.21.



Равшан РАШИДОВ,
Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси

ҚУРИЛИШДА УЛУШБАЙ ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТНОМАСИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?



Ойбек МАМАРАСУЛОВ,
Тошкент давлат юридик университети мустақил изла- нувчиси

Қурилишда улушбай иштирок этиш тўғрисидаги шартнома асосида кўчмас мулк объектлари барпо этилишини молиялаштириш мақсадида улушдорлар (жисмоний ва юридик шахслар) нинг маблағлари жалб этилиб, ушбу маблағлар эвазига қурувчи кўчмас мулк объектларини қуради.

Қурилишда улушбай иштирок этиш жараёни Ўзбекистон қонунчилиги учун янги кўриниш бўлиб, мазкур муносабатни тартибга солувчи шартномаларни такомиллаштириш ва амалиётга кенг татбиқ этиш, замон талабидир. Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси тарафларнинг эрки, хоҳишлари ва манфаатларини, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлақонли ифода этиши лозим, шундагина ушбу шартнома мақсадли ва мазмунли бўлиши мумкин.

Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг барча жиҳатларини қамраб олувчи яхлит меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд эмас. Шунга қарамай, “қурилишда улушбай иштирок этиш” атамаси айрим меъёрий ҳужжатларда тилга олинади.

Чунончи, Шаҳарсозлик кодекси 53-моддасининг 4-қисмида назарда тутилишича, айрим ҳолларда шаҳарлар (туманлар) ҳокимлари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ер участкалари муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларнинг кўшимча объектларини қуришда улушбай иштирок этиши (якка тартибдаги уйларни қурувчилар бундан мустасно) шарти билан берилиши мумкин.

Республикамыздаги айрим объектлар ҳам улушбай иштирок этиш шарти билан барпо этил-

ган. Мисол учун, “Ўзэкспомарказ” РКСМ марказий павильонини реконструкция қилиш Халқаро савдо-кўргазма комплекси қурилишида улуш кўшиб қатнашиш шартларида ташқи савдо компанияларининг маблағлари ҳисобига қисман молиялаштирилган¹.

Ҳозирги пайтда асосан кўп квартирали уйлар қурилишида улушбай иштирок этиш кўлланилмоқда.

Фуқаролик кодексида қурилишда улушбай иштирок этиш сингари мажбурият тури назарда тутилмаган. Бироқ, Кодекснинг 354-моддасида белгиланишича, тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шунингдек тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари ҳам мумкин.

Шу ўринда “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида Низом”чи? — деган савол туғилиши мумкин. Мазкур Низомнинг номидан ҳам англаш мумкин-ки, Низом кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш муносабатларини тартибга солишга йўналтирилган. Аммо, улуш киритиш асосида нафақат кўп қаватли хонадонларни, балки тадбиркорлик ёки бошқа мақсадларда турли кўчмас мулк иншоотларини ҳам қуриш мумкин. Шу сабабли “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида Низом”нинг таъсир доираси чегараланган бўлиб, ушбу низомнинг 2-бандига кўра, “Мазкур Низом шартнома иштирокчиларида даромад олиш мақсади кўзланган инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди”. Демак, барча турдаги қурилишда улушбай асосда иншоотларни қуриш ва унинг иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни айнан тартибга солувчи меъёрни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш керак.

Бугунги кунда Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган



қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасини тартибга солиши мумкин бўлган меъёрлардан келиб чиқиб, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасида акс этиши лозим бўлган шартларни ифодалашга уришиб кўрамиз.

Аввало мазкур турдаги шартномаларни қисман бўлса-да тартибга солувчи “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида Низом”нинг бандларига назар соладиган бўлсак, ушбу низомнинг 18-43-бандларига кўра, шартномада қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

қурилиш мажмуаси ва қурилиш объекти ҳақидаги маълумотлар (манзили, жойлашган жойи, квартира рақами ва бошқалар);
қурилиш объекти майдони ва қиймати;
қурилиш объектини улушдорга топшириш муддати ва ҳолати;
улушдор томонидан киритиладиган сумма миқдори;
ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;
қурилиш-монтаж ишларининг графиги;
томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;
шартнома бўйича талаблар ҳуқуқларини ўтказиш тартиби;
қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддати;
низоларни ҳал қилиш тартиби ва тарафлар ўртасида келишилган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар;
қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларининг таснифи.

Юқоридаги шартларнинг шартномада акс этиши бу зарурий талаб бўлиб, мазкур шартларнинг қайсидир бири акс этмаслиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ, “қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир”.

Шунингдек, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг мазмунини ёритишда нафақат Низом балки, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ўрганиш лозим. Фуқаролик кодекси билан тартибга солинадиган кўплаб қурилишга оид меъёрлар бўлиб, улардан қурилиш пудрати алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда қурилиш пудрати шартномаси ва қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасининг фарқини таъкидлаб ўтиш лозим. Қурилиш пудрати шартномаси бўйича қурилишни амалга ошириш ташаббускори одатда буюртмачи бўлиб, қурилиш пудрати шартномасининг предмети



нафақат кўчмас мулк объекти балки бошқа объектлар ҳам бўлиши мумкин. Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасида эса қурилиш ташаббускори бу қурувчи бўлиб, қурилиш объектининг маълум қисмини қуриш учун улушбай иштирокчи сифатида қўшилиши мумкин. Демак, икки шартноманинг асосий фарқи бу шартноманинг тарафлари ва предметида.

Иншоотни пудрат шартномаси асосида қуришда объектни қабул қилиб олиш муддати, бажарилаётган ишларнинг хавфсизлик даражаси ва кўрилиши лозим бўлган чора ва тадбирлар, қўшимча иш бажариш ва унга ҳақ тўлаш тартиби, қурилиш пудрати шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда шартномани бекор қилиш тартиби каби қатор шартлар ўз аксини топиши лозим.

Фуқаролик кодекси 366-моддасининг иккинчи қисмига кўра нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан шартнома тузилган ҳисобланади.

“Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида Низом”нинг 3-боби бандларидан англаш мумкин-ки, кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлган шартномалардан саналади ва шартномани рўйхатдан ўтказиш талабига риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

“Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида Низом”да шартномани рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган бўлса-да, шартномани рўйхатдан ўтказиш муддати кўрсатилмаган, бунинг натижасида, шартнома тарафларининг ҳуқуқлари тўла таъминланмаган бўлиб, манфаатдор тарафнинг аризаси билан шартнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши ҳам мумкин.

Демак, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномасида қурувчи томонидан шартномани рўйхатдан ўтказиш муддатини белгилаш ва мазкур шарт қурувчи томонидан бажарилмаган

тақдирда унга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрсатиб ўтилиши керак.

Қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси бўйича улушдорларнинг ҳуқуқи устун қўйилиши лозим, сабаби барча ҳолатда ҳам улушдор ўз ҳуқуқини тўлиқ англамаслиги ёки ҳуқуқий онги юксак бўлмаслиги мумкин. Одатда қурувчи томонидан тузилган шартномаларда қурувчининг манфаати устун бўлади ва бу шартномалар улушдор томонидан ноиложликдан қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ва улушдорнинг мулк ҳуқуқини таъминлаш мақсадида “улушдор томонидан шартнома суммасининг 50% дан ортиқ қисми тўланган тақдирда, қурувчининг ташаббуси билан шартномани бекор қилиш мумкин эмас”лиги каби шарт шартномага киритилиши лозим.

Таъкидлаш керакки, қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатлари бошқа кўплаб давлатларда ҳам мавжуд бўлиб шартномалар ушбу давлатларнинг қонунчилиги билан тартибга солинган.

Ён кўшимиз бўлган Қозоғистон қонунчилигида қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатлари 2016 йил 7 апрелда қабул қилинган “Тураржой қурилишида улушбай иштирок этиш тўғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Қонуни² билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 11-моддасига кўра, тураржой қурилишида улушбай иштирок этиш тўғрисидаги шартнома ёзма равишда тузилади ва Қонуннинг 12-моддасида назарда тутилган тартибда кўп қаватли хонадон жойлашган жойдаги маҳаллий ижро органида рўйхатга қўйилган вақтдан шартнома тузилган ҳисобланади.

Қонунда шартномани рўйхатга қўйиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари, улушдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш шартлари, шартнома тарафларининг жавобгарлиги каби ўзига хос ҳуқуқиятлар акс эттирилган.

Шу ўринда қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатларининг дунё миқёсида такомиллашувига сабаб бўлган Россия ва Беларуссия тажрибаси ҳамда қонунчилигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Сабаби, айнан Россия ва Беларуссияда қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатларида жуда кўплаб фирибгарликлар рўй берган ва жабрланувчиларнинг сони ҳам кўп. Хусусан, Россияда тахминан 10 фоиз фарқ билан 80-100 минг нафар алданган улушдорлар ўзларининг муаммолари ечимини кутмоқда³. Айнан бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ушбу давлатларнинг қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий базаси кўп ўзгарган ва қўшимчалар киритилган.

Россия Федерациясининг қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатлари “Кўп квартирали хонадонларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини қуришда улушбай иштирок этиш тўғрисида ва Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни⁴ билан тартибга солинади.

Қонуннинг 3-моддаси 2-бандида шартнома бўйича ким қурувчи бўлиши мумкинлиги белгиланган. Қонуннинг аҳамиятли томонларидан бири қурувчи томонидан маълумотларнинг оидинлаштирилишидир. Унга кўра қурувчи қурилишда улушбай иштирок этиш шартнома лойиҳасини ёки қурилишга маблағларни жалб этиш билан боғлиқ бошқа шартнома лойиҳаларини оидинлаштириши лозим. Шунингдек, шартномада лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида маълумот, кўриниши, мақсади, қаватлар сони, кўп қаватли хонадонларнинг ёки бошқа кўчмас мулкнинг умумий майдони, ташқи деворлар ва қаватлар ўртасидаги тўсинларга ишлатилган хомашёлар тўғрисидаги маълумотлар, зилзилага бардошлилик тўғрисидаги маълумотлари кўрсатилган бўлиши керак.

*– Ҳадеб мақтов эшитиш
истагингни бир четга
суриб, бошқаларни ҳам
мақташни, руҳланти-
ришни ўрганинг, худбин
бўлманг!*

“ҲАДИС ВА ҲАЁТ”

КИТОБИДАН

Юқорида таъкидлаганимиздек, Беларуссия қонунчилиги ҳам қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатларини тартибга солишда анча тажриба орттирган. Беларуссияда қурилишда улушбай иштирок этиш муносабатлари асосан Беларусь Республикаси Президентининг 2013 йил 6 июндаги 263-сонли фармони билан тасдиқланган “Белорусь Республикасида объектларни улушбай қуриш тўғрисида”-ги Низом⁵ билан тартибга солинади. Шартномада:

*улушбай қурилиш объектининг умумий майдонидан бир квадрат метрининг нархи;
улушбай қурилиш объектининг нархи (шартнома нархи);*

улушдор томонидан тўланиши лозим бўлган маблағларнинг миқдори ва киритиш тартиби;

улушбай қурилиш объектига бериладиган кафолат муддати;

шартномани бажариш муддати тугашидан илгари шартномани бажаришдан бош тортилганда ёки шартнома бекор қилинганда (тарафлардан бирининг шартномани бажаришдан бош тортиши) улушдорга маблағларни қайтариш тартиби каби бандлар ўрин олган.

Юқоридагиларга асосан хулоса қилиш мумкин-ки, қурилишда улушбай иштирок этиш шартномаси шакл ва мазмунини аниқ кўрсатиш иштирокчилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш механизми такомиллашишига ва мазкур муносабатлар юзасидан кўплаб қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга сабаб бўлади. Ушбу мақсадда юқорида ўрганилган хориж тажрибаси ва миллий қонунчилигимизнинг таҳлили асосида “Кўп квартирали уйларни улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги Низомнинг 18-бандини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз. Шартномада қуйидагилар, яъни:

шартнома тарафларининг номи ва шартнома имзолаш ваколатига эга шахсларнинг фамилия, исми, шарифи, лавозими, ваколатини тасдиқловчи ҳужжат номи, саноати ва тартиб рақами;

қурилиш мажмуаси ва улушбай қурилиш объекти ҳақидаги маълумотлар (манзили, жойлашган жойи, жойлашган қавати, квартира рақами, лоджи, веранда, балкон, терассаларнинг сони ва майдони, лифтлар, ертўла, коммунал хизматларнинг мавжудлиги, ишлатилган материаллар номи ва сифати, саноат ҳудуди рақами ҳамда бошқа маълумотлар);

қурилиш мажмуаси ва улушбай қурилиш объектининг вазифаси (турар, нотурар жой);

улушбай қурилиш объекти майдони (умумий ва фойдаланиш) ва қиймати;

улушбай қурилиш объектини улушдорга топшириш муддати ва топшириш ҳолати (таъмирланиши, хоналарга ажратилиши ёки яхлит ҳолда топширилиши);

қурилиш мажмуаси ва улушбай қурилиш объектига бериладиган кафолат муддати; улушдор томонидан киритиладиган сумма миқдори;

ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби;



шартнома бўйича қурилиш ишларининг бажарилишини текшириш ва назорат қилиш тартиби;

шартнома тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

қурувчи томонидан шартномани рўйхатдан ўтказиш муддати ва мазкур шарт қурувчи томонидан бажарилмаган тақдирда унга нисбатан жавобгарлик чоралари;

шартнома бўйича талаблар ҳуқуқларини ўтказиш тартиби;

қурилиш объекти эксплуатациясининг кафолат муддати;

шартномага ўзгартириш киритиш, бекор қилиш асослари ва тартиби (бунда улушдор томонидан шартнома суммасининг камида 60 % га яқини тўланган тақдирда, қурувчи ташаббуси билан шартномани бекор қилишга йўл қўйилмаслиги лозим);

шартнома бекор қилинганда улушдорга унинг маблағларини қайтариш муддати (ушбу муддат шартнома бекор қилинган кундан бошлаб 3 кундан ошмаслиги лозим) ва тартиби; низоларни ҳал қилиш тартиби, қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларининг таснифи;

каби бандлар акс эттирилган бўлиши лозим. Шартномаларнинг бундай мукамал тuzилиши қурилиш соҳасида, айниқса улушбай қурилиш борасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олади ва қурувчи ҳамда фойдаланувчи орасидаги муносабатларнинг қонун доирасида ҳал этилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрдаги 386-сон қарори.
2. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38446797#pos=3;-106
3. <https://tass.ru/nedvizhimmost/11979521>.
4. <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102090480&rdk=.>
5. <https://president.gov.by/ru/documents/ukaz-263-ot-6-ijunja-2013-gn-6183>.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада оилага ва ёшларга қарши жиноятларда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар, ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: *жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, жиноят хавфи, жазо тайинлаш, жиноят содир этиш, жиноий қилмиш, тажовуз, оилага ва ёшларга қарши жиноятлар, жавобгарлик, вояга етмаганлар, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма, тил бириктирган ҳолда жиноятни содир этиш*

АННОТАЦИЯ:

в статье исследуются обстоятельства отягчающие ответственность преступлений против семьи и молодежи, а также вопросы повышения ответственности за эти виды преступлений.

Ключевые слова: *обстоятельства, отягчающие наказание, угроза преступления, назначение наказания, совершение преступления, преступное деяние, агрессия, преступления против семьи и молодежи, ответственность, несовершеннолетние, организованная группа, преступное сообщество, сговор.*

Бугун жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ёшлар ўртасида кузатилаётгани аччиқ ҳақиқат. Ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятларнинг салмоқли қисмини ташкил этиши ҳам сир эмас. “Касални даволагандан кўра, олдини олган маъкул”, деган нақлга амал қилган ҳолда жиноят билан курашишда дастлаб ёшларни жиноят қилишга ундайдиган сабаблар, ҳолатларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш жиноятчиликнинг камайишига олиб келиши амалиётда ўз иботини топган. Аксарият ҳолларда ёш болалар жиноятни ўз ташаббуси билан эмас кимнингдир кўрсатмаси, мажбурлови ёки алдови туфайли содир этаётгани ҳам бор ҳақиқат. Ёшлар орасидаги жиноятларнинг илди-зи ҳам худди шу жиҳатлардан қидирилмоқда.

Ёш болалардан жиноят содир этишда фойдаланиш икки томонлама хусусиятга эга. Бунда айбдор уларга илтимос қилиш, кўндириш, мажбур қилиш, сотиб олиш, моддий нарсалар ваъда қилиш, совғалар бериш йўллари орқали таъсир қилиши мумкин. Субъект бундай ҳолда тегишли ҳаракатнинг ижтимоий мазмуни ва мақсади ҳақида айтмай ёш бола қандай ҳаракатларни бажариши кераклигини тушунтириши, масалан, ниманидир қаергадир олиб бориши, ёқиб юбориши, кимнидир уриши, кимнидир ечинтириши ва ҳоказоларнинг ўзи билан чекланади.

Шахс инсон сифатида жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар таъсирида шаклланади. Шахснинг ривожланиши, у бевосита муносабатда бўладиган шахслар ва атрофидаги оламнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Лекин ҳар бир шахснинг шаклланишида унинг ҳаёт йўли, оилавий яшаш шароити, шахсий характери катта роль ўйнайди. Ижтимоий шароит, ташқи муҳит инсон руҳиятига, унинг ички дунёсига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам ёш авлодни тарбиялаш масаласига жуда катта аҳамият берилади.

Вояга етмаганларнинг камол топишида асосан ижтимоий муҳит, оила ва мактабдаги тарбия масалаларидаги камчиликлар, у яшаётган муҳитдаги ахлоқий муаммолар салбий таъсир қилиши мумкин. Натижада айрим вояга етмаганларнинг жиноят йўлига кириб қолиш эҳтимоли юқори бўлади.

Криминалогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг аксарият қисмини юқори ёшдаги ва яшаш шароити, моддий таъминоти яхши бўлмаганлар яна салмоқли қисмини эса яшаш шароити, моддий таъминоти яхши бўлган ва асосан кам фарзандли оилаларда тарбияланганлар ташкил этар экан. Бундан ташқари жиноятларга ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига аҳамият бермаганлиги, оиладаги турли ёмон ҳолатларнинг таъсири ҳам сабаб бўлган.



Шахнинг вояга етмаган даври рухий жараёнларнинг мураккаблиги, характернинг шаклланиши, берилувчанлик, ишонувчанлик, турли қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги билан характерлидир. Жиноят ва жиноятчиликнинг пайдо бўлишини тадқиқ этиш жараёнида бир қанча назариялар яратилган. Мисол учун ёш бола бошқаларнинг хулқ-атворини кузатади, ўрганади ҳамда уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Масалан, бола жиноят ҳодисаси содир бўлиши ва натижасини кўради (жиноий ҳаракатдан олинган бойлик, куч, рағбат, обрў ва ҳ.к.), ўрганади ва такрорлайди. Бундай хулқ-атвор айниқса ёшларда кўпроқ учрайди. Бундай ҳаракат нафақат ўзи гувоҳ бўлган жиноий ҳаракатлардан, балки медиа орқали ҳам ўрганиб амалга оширилиши мумкин. Муайян девиант ёки жиноий хулқ-атвор моделларининг такрорланиши ёки рағбатлантириш оқибатлари унга тақлид орқали жиноятчилик кўпайишига олиб келади.

Демак, бу даврда ўсмирларда ҳали ўзига ва бошқаларга нисбатан қатъий муносабат шаклланган бўлмайти. Шунинг учун ҳам вояга етмаганларни худди ана шу даврда турли салбий таъсирлардан, айниқса жамиятнинг айрим қолоқ қисмининг таъсиридан сақлаш керак бўлади. Шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқлик 4 асосий элементдан ташкил топади: боғлиқлик, интилиш (мажбурият олиш), иштирок этиш ва эътиқод (ишонч). Масалан ота-оналари, ўқитувчилари ва бошқа яқинларига кўпроқ боғлиқ ёшлар жиноят содир этишга камроқ мойил бўлишади. Ўзбекистонда шахсларнинг жамиятга, ота-онаси ва яқинларига боғлиқлиги жиноятчиликнинг анчагина жиловланиши сабаби эканлиги ҳам ўз тасдиғини топган. Ота-она, бола-чақа каби ришталар кўплаб инсонларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийиб турувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Таълим олишда юқори муваффақиятларга интилган ёшларда жиноят содир этишга мойиллик паст бўлиши таъкидланади. Ўқиш, илм олишга интилган, таълим орқали жамиятда белгиланган мақсадлари (яхши яшаш шароитлари, оила ва ҳ.к.)га етишига ишонган ёшлар кўпроқ ижтимоий назорат доирасида бўлади ва жиноят содир этиш эҳтимоли анча паст бўлади.

Демак шахсни болалиқдан интизом ва ҳурматга, ўзини назорат қилишга ўргатиш келажакда унинг жиноят содир этиши эҳтимолини пасайтиради. Бу мактабларда, мактабгача таълимда турли дастурлар (қисқа курслар, бутун таълимдаги умумий интизом ва бошқаларни ҳурмат қилишга чорловчи чора-тадбирлар ва ҳ.к.) орқали шакллантирилиши зарур.

Жиноят қонунчилигида вояга етмаганлик факти билан боғлиқ аниқ ҳуқуқий норма белгиланмаган. Жиноят ҳуқуқида эса бу борада кўпгина фикрлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, жиноят содир этишга жалб этилган шахс у жалб этилган жинояти учун жавобгарликка тортиш ёшига етмаган бўлса, бундай шахс вояга етмаган деб топиллиши кераклиги ҳақида ЖК “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли саккизинчи бўлимида қайд этилиши лозим.

Бугун кўча-кўйда, бозорларда, жамоат жойларида тиланчилик қилаётган ногирон болаларни кўплаб учратамиз. Улар учун ёзининг жазирамаси-ю қиш қаҳратонининг аҳамияти йўқ. Ўтказилган суриштирувлар натижасида ўзини ногирон қилиб кўрсатаётган болаларнинг кўпчилиги соғлом эканлиги ёки тиланчилик қилиб юрган болаларнинг аксарияти бу ишни кимнингдир кўрсатмаси билан қилаётгани, топган пулининг катта қисмини бировларга бериши ойдинлашган. Шу ўринда қонунчиликда вояга етмаганлар ва улардан восита сифатида фойдаланиш ҳолатига қисқача тўхталиб ўтас.

Вояга етмаган шахсни тиланчиликка жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни кўллаш ёки унга рухий тазийқ ўтказиш билан, кўрқитиш, пул бериб оғдириб олиш, авраш, алдаш йўли билан уни жамоат жойларида ёки бошқа жойларда фаол ва нофаол шаклда кишилардан пул ёки бошқа қимматликлар сўрашига мажбурлаш, қизиқтириш тушунилади. Вояга етмаган шахсни тиланчиликка жалб қилиш тушунчасига тўхталишдан олдин “вояга етмаган”, “ёш бола” тушунчаларини қисқача изоҳлаб ўтамиз. Янги жиноят қонунида ёш бола деганда, у ёки бу ижтимоий ҳаракатни содир қилиб, унинг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлигини англай олмайдиган шахслар тушунилади ва улар, табиийки қилган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Ўзининг содир қилаётган ҳаракатларининг моҳиятини англайдиган шахсларгина жиноий фаолиятга жалб қилинади. Ўз ҳаракати моҳиятини тушунмайдиган шахс жалб қилинмайди, балки жиноят содир қилишда ундан фойдаланилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керак-ки, кичик ёшдагилардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланиш юқори даражадаги ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради. Бундай шахслар содир қилаётган қилмишининг қай даражада ёмонлигини билмай ёки англамай жуда катта зарар етказиши мумкин. Яна бир томони ёшлиқдан жиноятчиликка мойил бўлиб ўсиш, кейинроқ хавфли жиноятчилар тоифасига мансуб бўлиб шаклланиш эҳтимоли кучлилиги билан ҳам хавфлидир.

Миратдийн НАЖИМОВ,

*Қорақалпоқ давлат университети
кафедра мудири, ю.ф.н. доц.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С. Якубов, Р. Кабулов ва бошқалар – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. –С.325.
2. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи: Умумий қисм: Олий ўқув юрлари учун дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.475.
3. Яковлев А.М. Совокупность преступлений. –М., 1964. –С. 7.
4. Караев Т.Э. Повторность преступлений. –М., 1983. –С. 17-18; Малков В.П. Множественность преступлений и ее формы по советскому уголовному праву. –Казань, 1982. –С. 12.
5. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. –М., 1972. –С. 304.
6. Пионтковский А.А. Учение о преступлении по советскому уголовному праву. –М., 1961. –с. 633.
7. Ораздурдыев А.М. Продолжаемое преступление по советскому уголовному праву// Автореф. канд. дисс. наук. –Казань, 1984. –С. 13.
8. Уголовный кодекс Российской Федерации (Общая часть) // “Юридический вестник”, 2001.



Азизбек БАЗАРОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Маъмурий судларга тааллуқли маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тўғрисида аниқ тушунчаларни ҳосил қилиш учун, биринчи галда, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича судлар, иқтисодий судлар ва ҳарбий судларга тааллуқли ишларни ажратиб олиш керак. Бунда суд ҳужжатларининг ўрни жуда муҳимдир.

Шунингдек, маъмурий судлар томонидан чиқариладиган ҳар бир суд ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг белгиланган талабларига тўлиқ жавоб бериши, тушунарли ва раво бўлиши, қонун ҳужжатлари билан тўлиқ асосланган ҳолда тузилиши лозим. Чунки тузилган суд ҳужжатлари МСИЮТҚда белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги, тушунарсизлиги ёки етарли даражада асосланганлиги уни ижро этилишининг қийинлашишига, уни турлича талқин этилишига, бундан ташқари юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига (ўзгартирилишига) сабаб бўлади, бу эса албатта ушбу ҳужжатни қабул қилган суднинг нуфузига салбий таъсир қилиб, келгусида фуқаролар орасида суд идораларига нисбатан ишончсизлик ҳисси пайдо бўлади.

Юқоридаги ҳолатлар маъмурий суд ишлари институти мураккаб ўрганиш, маъмурий суд ишларини юритишда суд ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг илмий-назарий восита ва усулларини ишлаб чиқиш ва амалий кўникмаларни шакллантириш заруратининг мавжудлигидан далолат беради.

Маъмурий суд ишлари бўйича суд ҳужжатлари, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, суд ажрими ва бошқа процессуал ҳужжатлар ҳамда ушбу соҳага тегишли бўлган билимлардан фойдаланиш яъни маъмурий суд процесси фаолиятини ва аҳамиятини аниқлаш ҳамда маъмурий ишларни ўтказиш механизмини тақомиллаштириш, маъмурий суд ишларини юритишда суд ҳужжатлари билан боғлиқ амалга ошириш талаб қилинган ҳаракатлар, маъмурий суд ҳужжатларига қўйилган талаблар, хорижий мамлакатлар қонунчилигида маъмурий суд ҳужжатлари билан боғлиқ нормаларни қиёсий таҳлил ва тадқиқ қилиш орқали илмий асосланган назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Суд ҳужжатлари ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларининг муҳим бир тури ҳисобланади. Шу боис, унга нисбатан ҳам ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларига қўйилган талабларнинг барчаси қаратилади. Боз устига, айнан суд ҳужжатларига қўйиладиган яна бошқа талаблар ҳам мавжуд-ки, булар мазкур тоифа ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади.

Суд ҳужжатларининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмида тутган ўрни масаласини тадқиқ этишда, дастлаб, “Суд ҳужжатлари қандай ҳужжат?” деган саволга жавоб беришимиз зарур бўлади.

Таъкидлаш керак-ки, инглизча “act” ибораси кўп маъноларни англатади, бироқ, “ҳаракат” маъносида кўпроқ ишлатилади. Шу ўринда дастлаб, “ҳуқуқий акт” тушунчасига эътибор қаратиш зарур бўлади. Бинобарин, ушбу атама бир неча маъноларда ишлатилади:

- ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши маъносида;
- ҳуқуқ субъектининг ҳуқуққа мос хатти-ҳаракати натижаси сифатида;
- юридик ҳужжат сифатида.

Мазкур ибора учинчи ҳолатда, яъни “ҳуқуқий ҳужжат” маъносида юридик адабиёт ва амалиётда кўпроқ қўлланилади. Айнан шу маънода ишлатилганда шакл ва мазмун бирлигини кўриш мумкин. Чунки, бунда қилинган ҳаракат ўзининг сўзли - ҳужжатли ифодасини топади.

С.Алексеев таъкидлаганидек, айнан шу ҳолатда ушбу ибора ҳуқуқий тизимнинг юридик нормалар, индивидуал амр, қоидалар ва шахсларнинг индивидуал қарорлари каби мазмуний элементлари вужудга келиши ва амал қилишининг ташқи юридик ифодаси сифатида намоён бўлади.

Суд ҳужжатлари қонун талаблари асосида низоли иш бўйича ҳуқуқи бузилган тарафларнинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган индивидуал аниқ ҳужжатдир.

Таъкидлаш керак-ки, суд ҳужжатида шартли равишда икки жиҳатни: ички ва ташқи жиҳатларни ажратиш мумкин. Суд ҳужжатининг ички жиҳати шунда ўз ифодасини топади-ки, суд муайян юридик ишни кўриб чиқишда ақлий - иродавий ҳаракатлар содир этади, тегишли ҳуқуқий норманинг мазмунини ва ҳаракат доирасини аниқлаб олади, ишдаги ҳолатларни ўрганиб, тегишли ҳуқуқий норма асосида уларни таснифлайди ва шу аснода қарор қабул қилади.

Суд ҳужжатининг ташқи жиҳати суднинг ақлий-иродавий ҳаракатлари натижасини объектив

ифода этишга қаратилган амалий ҳаракатларида кўринади.

Айни пайтда ақлий - иродавий ҳаракат билан амалий ҳаракатлар ўзаро узвий боғлиқликда бўлади. Процессуал қонунчиликда назарда тутилган айрим ҳолатлардан ташқари, аксар ҳолларда суднинг ақлий-иродавий хатти-ҳаракатлари юридик ҳужжатда ўзининг ифодасини топади. Маълум-ки, суд ҳужжатлари бу процессуал қонунчиликка асосланган ҳолда қабул қилинадиган ҳужжатдир. Суд ҳужжатини умумий тарзда шундай тавсифлаш мумкин: суд ҳужжати бу амалдаги процессуал қонунчилик билан тартибга солинган суд фаолиятининг ташқи ҳуқуқий ифодаланиш шакли.

Илмий адабиётларда “суд ҳужжатлари”, “суд қарорлари” атамалари ишлатилади. Айни пайтда, айрим ҳолларда, “суд ҳоқимияти ҳужжатлари” деган атама ҳам қўлланилади. Шу ўринда суд ҳоқимияти судьялар ва қонуний асосларда жалб этилган халқ маслаҳатчилари томонидан амалга оширилишини эътиборга оладиган бўлсак, бу икки атамани синоним сифатида эътироф этиш мумкин бўлади. Бироқ, шунга қарамай, бизнинг-ча, “суд ҳоқимият ҳужжатлари” атамасидан кўра “суд ҳужжатлари” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, “суд ҳоқимияти” тушунчаси оддий суд органлари тизимидан кенгроқ тушунча. Юқорида ҳам кўрсатиб ўтилганидек, суд ҳужжатлари ҳуқуқий тартибга солишда тутган ўрни ва аҳамиятига кўра:

- а) суднинг ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари;
- б) суднинг шарҳлаш ҳужжатларига ажратилади.

Суд ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари умуман юридик индивидуал ҳужжатларнинг бир кўриниши бўлиб, улар аниқ ва конкрет вазиятга татбиқ этилади, аниқ бир ижтимоий – ҳуқуқий низони ҳал этишга қаратилади ва аниқ шахсга нисбатан қўлланилади, унинг чиқарилишига ишнинг ҳолатлари ва тегишли ҳуқуқ нормалари асос бўлиб хизмат қилади, шу тариқа у конкрет ижтимоий муносабатни тартибга солади. Шунга боғлиқ ҳолда, унинг ҳам мазмуни, ҳам оқибатлари индивидуал характерга эга бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда суд ҳужжатига қуйидаги таърифни бериш мумкин: “Суд ҳужжати бу – ваколатли шахслар томонидан кўзғатилган аниқ юридик иш юзасидан процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ шаклда чиқариладиган ва ўзида – ҳокимона амр – иродани ифодаладиган ҳамда ижтимоий муносабатларни яқка тартибда ҳал этишга қаратилган суднинг расмий қароридир”.

Ҳақиқатан, суд қарор қабул қилгунга қадар ҳам тегишли нормаларга асосланиб фаолият олиб боради, яъни ҳуқуқни қўллайди, у бир жараён сифатида кечади ва бу жараён натижаси, яқуни сифатида кейин суд қарор қабул қилади ва бу қаро-



рида давлат иродаси – амри ўзининг ифодасини топади. Бу амр, албатта, индивидуал тусда бўлади. Шу тариқа суд қарори – бу судларнинг мураккаб ва кўп босқичли ҳуқуқни қўллаш жараёнининг охириги босқичи, унинг яқуни ҳисобланади.

Суд қарорини – ҳужжат сифатида қуйидагича тавсифлаш мумкин: ижтимоий муносабатларни индивидуал тарзда тартибга солишга қаратилган амрнинг процессуал меъёрлар билан белгиланган матнли – ҳужжатлашган ташқи ифодаланиш шакли.

Суд ҳужжатлари ичида юридик ишларни мазмунан ҳал этадиган ҳужжатлар, суднинг ҳал қилув қарори, ҳукм, қарор кабилар алоҳида ўрин тутаяди. Шу билан бир қаторда судда юридик ишни мазмунан кўриб чиқиб, ҳал этилишига кўмаклашадиган ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ичида энг муҳими бу — ажримдир. Одатда ажрим чиқариш йўли билан процессуал тусдаги масалалар ҳал этилади.

Ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгиладиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, ҳукм ва қарорлар чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришади ва давлат - ҳуқуқий ваколатларини амалга оширадилар.

Бундай суд ҳужжатлари анча мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, кириш, баён, асослантирувчи ва қарор қисмларидан иборат бўлади. Суд ҳужжатининг кириш қисмида ҳужжатни қабул қилган жой ва сана, қабул қилган суднинг номи ва таркиби, низо предмети, суд муҳокамаси иштирокчилари кўрсатилади. Баён қисмида, ишни кўзғатишга асослар ва унда кўрсатилган талаблар, эътирозлар, ишда қатнашаётганларнинг илтимослари, иш юзасидан фактлар мавжуд бўлади.

Асослантирувчи қисмида эса суд томонидан аниқланган ҳолатлар ва далилларни қабул қилиш ёки рад этишга асос бўлган ҳолатлар ҳамда тегишли ҳуқуқ нормасини қўллашга ва қарор қабул қилишни асослантирувчи ҳулосалар тақдим этилади.

Суд ҳужжатининг қарор қисмида яқуний ҳулоса — суд қарори баён этилади ва суд қарорининг оқибатлари кўрсатилади. Шу ўринда, суд ҳужжатининг фақат қарор қисми ҳал қилувчи аҳамиятга эга экан, деган ҳулосага келмаслик керак, чунки унинг ҳаракати ва кучи барча қисмларнинг узвий боғлиқлиги натижасида рўёбга чиқади.



**Мавлудахон
УММАТОВА,**

Риштон
туманлараро
иқтисодий
судининг судьяси

СУД ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ҚАНДАЙ?

Судларда низоларни тўғри ва қонуний ҳал қилишнинг муҳим мезонларидан бири бу – давронинг баҳосини тўғри белгилаб олишдир. Хусусан, суд юзага келган низони мазмунан тўғри ва қонуний ҳал қилган, аммо давронинг баҳоси нотўғри белгиланиши оқибатида суд харажатларини ундиришда хатоликка йўл қўйилган бўлса, бундай ҳолат суд ҳужжатининг тегишли қисмини ўзгартириш учун асос ҳисобланади.

Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф қилиш, судлар томонидан суд харажатларига доир масалада қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрь кунги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 36-сонли қарори қабул қилинган.

Иқтисодий ишлар бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 12-боби ва “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тартибга солинади.

Суд харажатлари ҳақида сўз юритилар экан, энг аввало, “суд харажатлари”, “давлат божи”, “суд чиқимлари” каби юридик атамаларни бир-биридан фарқлай олиш лозим бўлади.

“Суд харажатлари” деганда иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий ишларни кўриш ҳамда ҳал этиш билан боғлиқ ишларда иштирок этувчи шахслар томонидан қилинадиган, қонунда назарда тутилган харажатлар тушунилади. Суд харажатлари ўз ўрнида давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимлари турларига бўлинади.

Амалиётда мазкур суд харажатларидан давлат божи, суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатлари деярли барча ишларни кўриш жараёнида судлар томонидан ундирилади. Қолган ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимларини ундириш масаласи судлар томонидан иш ҳолатларидан келиб чиқиб, ишни кўриш жараёнида бундай суд чиқимлари мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигига қараб ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига кўра, суд харажатларига гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган маблағлар, далилларни жойида кўздан кечириш, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, суд хабарномаларини ва суд ҳужжатларини юбориш ҳамда суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш ИПКнинг

118-моддаси билан тартибга солинади. Шу сабабли суд муҳокамаси жараёнида судья суд харажатлари билан боғлиқ ҳолатларни текшириши, бу ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хулосалар қилиши лозим.

Умумий қоидага кўра эса иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиққан тараф тўлайди. Шу ўринда “давлат божи” тушунчаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак.

Судлар томонидан давлат божини белгилаш, ундириш, уни қайтариб олиш ва уни тўлашдан озод қилиш соҳасидаги муносабатлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Мазкур Қонун фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга аризалар билан мурожаат қилинганида, нотариал ҳаракатлар амалга оширилганида, фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси биометрик паспортини расмийлаштирганда, шу жумладан ҳорижга чиқиш ҳамда консуллик йиғимини тўлаш ва шу каби бир қатор ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божларини хуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади.

Қонун билан давлат божини тўловчилар қатъий белгиланиб, унга кўра ваколатли муассасаларга ёки мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган ва ўзига нисбатан юридик аҳамиятга молик ҳаракат ва (ёки) ҳужжатлар бериш амалга ошириладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир.

Қонунда давлат божини тўловчи жисмоний ва юридик шахсларга қайси ҳолларда давлат божи тўлаши лозимлиги ҳамда айнан қайси жисмоний ва юридик шахс давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги қатъий белгилаб берилган. Бирок, бу қоидалар суд чиқимларига тааллуқли ҳисобланмайди.

Шунингдек, Қонуннинг иловасида давлат божининг аниқ миқдорлари ҳам белгиланган.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, судья томонидан ишни кўриш натижалари бўйича суд харажатларининг миқдорини белгилашда хатога йўл қўймаслик ва тарафлар ўртасида тақсимлаш масалаларини тўғри ҳал этиш қабул қилинган суд ҳужжатининг қонунлигини таъминловчи асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

КЕЛИШУВ БИТИМИ

Азал-азалдан ота-боболаримиз бирон-бир низоли масалаларда мурасаи-мадора йўлини маъқуллаб келганлар. Бу тушунча бугунги кунда қонунчиликда “келишув институти” номи билан аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг илгари амалда бўлган эски таҳририда келишув битими ҳақида қоидалар қисқача тарзда баён этилган эди.

Келишув битими ҳақидаги меъёр 2018 йил 22 январда қабул қилиниб, 2018 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига алоҳида боб сифатида киритилган бўлиб, кодекснинг 17-боби айнан “Яраштириш тартиб-таомиллари” деб номланган. Мазкур бобда келишув битими тузиш, унинг тартиби, суд томонидан тасдиқланиши ва ҳуқуқий оқибатлари баён этилган. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига Медиатив келишув фақат биринчи инстанция судида, суд алоҳида хонага киргунга қадар тузилиши мумкинлиги кўрсатилган. Медиатив келишувнинг апелляция ва кассация инстанцияларида ёки ижро босқичида тузилиши бу кодексда ўз аксини топмаган.

Медиатив келишувдан фарқли ўлароқ келишув битими суднинг исталган босқичида, шунингдек ижро босқичида ҳам тарафлар ўртасида тузилиши ва судга тақдим этилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 166-моддасида келишув битими даъво тартибида юритиладиган ҳар қандай иш бўйича ёзма шаклда тузилиши ва келишув битимини тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланиши лозимлиги, суд томонидан тасдиқланганидан кейин тузилган деб ҳисобланиши, яъни ҳуқуқий оқибат туғдириши белгиланган. Суд томонидан тасдиқланмаган келишув битими ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди ва юридик кучга эга бўлмайди.

Низолашаётган тарафлар мурасага келганларида келишув битими тузадилар ва ушбу битимни низони кўриб чиқаётган судга тақдим этадилар. Суд (ишда раислик қилувчи судья) келишув битимини агарда у белгиланган қонунчилик техникасига ва амалдаги тартибга риоя қилинган ҳолда тузилган бўлса тасдиқлайди. Низодаги тарафлар ўртасида тузилган келишув битими суд томонидан тасдиқланганда иш юритиш тугатилади ва шу асосларга кўра айнан бир низо ва предмет юзасидан қайтадан даъво кўзгатилишига йўл қуйилмайди.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битими апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан тасдиқланган тақдирда, иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниши тўғрисида ажрим ёки қарор чиқарилади ва иш юритиш тугатилади. Бундай ҳолатларда давлат ижрочиси иш юритувида бўлган ижро ҳужжати юзасидан ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунини 37-моддаси асосида ижро иши юритиши тугатилади ва давлат ижрочисининг

“Ижро иши юритишни тугатиш тўғрисида”ги қарори ишни кўриб чиққан судга юборилади.

Агарда келишув битими қонун ҳужжатларига зид – учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлса суд томонидан рад қилинади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Бундай ҳолатда тарафлар келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисида ажрим устидан шикоят қилишга ҳақли бўладилар.

Умуман олганда ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал қилишга уриниш ижобий ҳол саналади ва бу нарсага қадим-қадимдан амал қилиб келинади. Хусусан, судда кўрилаётган фуқаролик иши бўйича тарафлар томонидан тузилган келишув битимини тасдиқлаш низони ҳал қилишнинг самарали усулидир. Айнан шу тарафларга судлар томонидан келишув битимини тузишлик ва унинг оқибатларини тушунтириш фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаш босқичида амалга оширилиши қоида тариқасида белгиланганлиги одил судловнинг юқори босқичга кўтарилаётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 168-моддасида суд томонидан тасдиқланган келишув битими кўрсатилган муддатларда ижро этилмаганда тарафларнинг илтимосномасига кўра суд томонидан бериладиган ижро варақасига асосан мажбурий тартибда ижро этилиши белгиланган.

Фикримизча келишув битими бўйича ижро варақаси берилиши амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига етарлича такомиллашган эмас. Негаки, ФПК да давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божи тўловларини ундириш юзасидан қандай тартибда ижро варақаси берилиши бўйича аниқ меъёр мавжуд эмас. Бундан ташқари, келишув битими юзасидан ижро варақаси берилиши тарафлар иштирокидаги суд мажлисида амалга ошириладими ёки раислик этувчи судьянинг ўзи томонидан тарафларни хабардор этмасдан берилладими бу ҳақда ҳам аниқ қоидалар берилмаган.

Фуқаролик процессуал кодексига келишув битими институтининг киритилиши ҳар томонлама самаралидир. Бу нарса бир томондан тарафларнинг судларга такрор-такрор келиб-кетишлари каби ортиқча овозгарчиликларга барҳам берса иккинчи томондан суд ҳаражатларининг тежалишига олиб келади.

Файрат ЁҚУБОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси.



**Орифжон
НУРИМОВ,**
Самарқанд
вилоят судининг
иқтисодий ишлар
бўйича судьяси

ТОМЧИСИ ТИЛЛОГА ТЕНГ

Инсоният тараққий этгани сайин, ривожланиш сари илдамлаш билан биргаликда йирик-йирик муаммолар гирдобига ҳам шўнғимоқда. Иқлим ўзгариши, ҳарорат кўтарилиши, чиқиндилар муаммоси каби дунёни таҳликага солаётган яна бир масала сув билан боғлиқ. Сув инсоният учун энг муҳим ресурс. Жами сувлар сайёра-мизнинг 70 фоиздан ортигини ташкил қилади. Дунё сувларининг 94 фоизи океанлар ҳиссасига тўғри келади. Бироқ, фойдаланишга яроқли бўлган ичимлик сувининг захиралари эса атиги 2 фоизга яқин. Юқоридаги маълумотлар дунё статистикасига тегишли, аммо бу Ўзбекистонга дахли йўқ дегани эмас.

Шу сабабли бугунги кунда инсониятни тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Дунёнинг турли мамлакатларида тоза ичимлик суви етишмаслиги оқибатида истеъмолга яроқсиз, ифлосланиш даражаси ўта юқори бўлган сувдан истеъмол қилаётган аҳолининг турли хил касалликларга чалинаётганлиги сувни авайлаб-асраш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этади. Гарчи мамлакатимизда тўрт фаслнинг чегараси аниқ бўлса-да кейинги йилларда курғоқчиликнинг тез-тез кузатилаётгани, кўз олдимизда Орол каби буюк денгизимизнинг йўқликка равона бўлгани бизни ҳам сув ҳақида ўйлашга мажбур қиляпти. Республика миқёсида оладиган бўлсак тоза ичимлик

суви билан таъминланиш даражаси кўн-гилдагидек эмаслиги, муаммолар етарлича мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳудудида ичимлик суви таъминотининг 65 фоизи ер ости ва 35 фоизи ер усти сув манбаларидан етказиб берилади.

Ичимлик сувини марказлашган тизимлар орқали аҳолига узлуксиз ва сифатли қилиб етказиб бериш кўп машаққат, меҳнат ва харажатларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли Қарори билан “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари” тасдиқланган бўлиб, мазкур қоидалар ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш марказлаштирилган тизимларидан фойдаланиш соҳасида сув қувурлари, канализация хўжалиги ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Чунки сувдан ёки сув оқова хизматларидан фойдаланиб хизмат ҳақини тўламаслик ва судларга мурожаат қилиш ҳолатлари кейинги йилларда сезиларли ошган. Фикрларимизни аниқ мисоллар ёрдамида далиллашга ҳаракат қиламиз.

Кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида ичимлик суви ва оқова хизматлар ҳақини ундириш тўғрисидаги даъволарнинг судларга берилиши ортиб бораётганлиги истеъмолчилар томонидан марказлашган ичимлик суви ва канализация тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмаётганлигидан далолат беради.

Масалан, “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ томонидан Самарқанд вилоят иқтисодий судларига 2021 йилнинг 10 оyi давомида ичимлик суви ва оқова хизмати ҳақини

– *Доим хушчақчақ ҳолда юриш қийин. Бу тушунарли. Лекин, кўлингиздан келганича гам-ташвишларингизни яшира билинг.*

* * *

– *Танқидни тўғри қабул қилишни ўрганинг!*

“ҲАДИС ВА ҲАЁТ”
КИТОБИДАН





ундириш тўғрисида жами 208 та даъво аризалари киритилган.

Шу даврда иқтисодий судлар томонидан 180 та иш кўриб ҳал этилган. Шундан 142 та даъво аризаси қаноатлантирилиб, истеъмоличилардан “Самарқанд сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 5 731 800 231 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Судларда кўриб чиқилган шу тоифадаги ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, низоларнинг аксарият қисми истеъмоличиларнинг марказлашган ичимлик суви ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олишлари, сув ўлчаш асбобларидаги тамгаларнинг сақланмаганлиги ва уларни ўз вақтида қиёслов кўригидан ўтказмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Мисол учун Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ жавобгар Самарқанд шаҳар 107-сон мактабгача таълим ташкилотига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилган. Сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан Самарқанд шаҳар 107-сон мактабгача таълим ташкилотининг фаолияти текширилганда мазкур таълим ташкилоти марказлаштирилган сув таъминоти тизимига Д-32 мм пластик қувур орқали уланганлиги, текшириш кунига қадар сув ўлчаш асбобини рўйхатдан ўтказмасдан ўзбошимчалик билан фаолият кўрсатиб келганлиги баён қилиниб, жавобгардан ҳисобланган сув сарфи, оқова хизмат учун жами 324 111 605 сўм ундиришни сўраган.

Суд жавобгарнинг айблилик даражасини ўрганиб, истеъмоличининг сув ўлчаш асбоби иш фаолиятига рухсатсиз аралашганлиги, ИСКХ ташкилоти ходими томонидан сув ўлчагич асбобини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиб, рўйхатга қўйиш бўйича берилган кўрсатма талабларини сурунка-

ли ижро қилмаганлиги, узоқ вақт мобайнида сув ўлчаш асбобини қайта рўйхатга қўймасдан фаолият юритганлиги сувдан ноқонуний фойдаланиш деб баҳоланиб, даъво аризасини қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига жами 207 678 585 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган ва содир этилган қоидабузарлик оқибатида истеъмоличидан юқоридаги сумма ундирилган.

Мана шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки касални даволаш эмас унинг олдини олиш керак. Судлар томонидан низоларни қонуний ҳал қилиш, уларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида истеъмоличиларга кенг қамровли тушунтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Ўтказилаётган тадбирлар доирасида вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат хизматларини кўрсатиш агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармасида “Самарқанд сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти ходимлари ва истеъмоличилар иштирокида ичимлик суви ва оқова сувларни чиқариш қоидаларига риоя этилиши юзасидан семинар ташкил этди.

